



ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВ ОҚИМЛАРИ  
ВА ХАЛҚАРО КЎЛЛАРНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ  
ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ

ХАЛҚАРО СУВ ОҚИМЛАРИДАН  
КЕМА ҚАТНОВИДАН ТАШҚАРИ  
ТУРЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ  
ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ



НИЦ МКВК  
Ташкент 2020

Научно-информационный центр  
Межгосударственной координационной водохозяйственной комиссии  
Центральной Азии

**Трансчегаравий сув оқимлари  
ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш  
ва улардан фойдаланиш тўғрисида  
Конвенция**

**Халқаро сув оқимларидан кема  
қатновидан ташқари турларида  
фойдаланиш тўғрисида  
Конвенция**

Ташкент 2020

Перевод на узбекский язык с английского и русского текстов подлинников настоящих Конвенций осуществлен в Научно-информационном центре Межгосударственной координационной водохозяйственной комиссии (НИЦ МКВК) Центральной Азии кандидатом технических наук Рысбековым Ю.Х. и Рысбековым А.Ю.

## Содержание

Предисловие от переводчиков .....	5
Таржимонлардан сўзбоши.....	9
Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Конвенция .....	13
Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Конвенциянинг 25 ва 26 моддаларига ўзгартиш .....	38
Халқаро сув оқимларидан кема қатновидан ташқари турларида фойдаланиш тўғрисида Конвенция .....	41



## Предисловие от переводчиков

В настоящем издании представлен перевод на узбекский язык текстов Глобальных Водных Конвенций – с их оригиналов на английском языке и русском языке, размещенных на соответствующих официальных сайтах Европейской экономической комиссии Организации Объединенных Наций (ЕЭК ООН) и ООН:

- Конвенции по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер (1992 г.) // – Конвенция ЕЭК ООН;
- Конвенции о праве несудоходных видов использования международных водотоков (21 мая 1997 г.) – Конвенция ООН.

Переводы текстов обеих Конвенций на узбекский язык осуществлены с параллельным сравнением текстов Конвенций на английском и русском языках. Но в этом случае естествен вопрос – почему переводы осуществлены текстов Конвенций на разных языках, если они аутентичны? Действительно, в соответствующих статьях этих Конвенций отражена равная аутентичность текстов Конвенций на разных языках (Хельсинкская Конвенция, статья 28; Нью-Йоркская Конвенция, статья 37).

Однако в тексте Конвенций на русском языке, размещенных на соответствующих сайтах ООН, ЕЭК ООН и других официальных сайтах, имеются неточности. Обнаруженные в процессе сравнения текстов Конвенций на обоих языках неточности, нарушающие аутентичность, исправлены или устранены.

В качестве примеров:

1. Конвенция по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер (17 марта 1992 г.):

Convention on the Protection and use of Transboundary Watercourses and International Lakes (done at Helsinki, on 17 March 1992) // <http://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/water/pdf/watercon.pdf>

Конвенция по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер (принята 17 марта 1992 года) // [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/watercourses\\_lakes.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercourses_lakes.shtml)

## Преамбула

Текст на английском языке (ENG): «Referring to decisions I (42) and I (44) adopted by the Economic Commission for Europe at its forty-second and forty-fourth sessions...».

Текст на русском языке (RU) (аутентичный текст, как утверждается в тексте Конвенции): «Ссылаясь на решения I (42) и I (43), принятые Европейской экономической комиссией соответственно на ее сорок второй и сорок четвертой сессиях...»

На узбекском языке (UZB): Европа иқтисодий комиссияси унинг қирқ иккинчи ва қирқ тўртинчи сессияларида қабул қилинган I (42) ва I (44) қарорларига... ҳавола қилган ҳолда,

*Комментарий: В тексте на русском языке опечатка: “I (43)”.*

## Article 1 (DEFINITIONS)

ENG (Article 1): 1. «Trans-boundary waters» means...; wherever trans-boundary waters flow directly into the sea, these trans-boundary waters end at a straight line across their respective mouths between points on the low-water line of their banks»;

RU (Статья 1): 1. «Трансграничные воды» означают...; в тех случаях, когда трансграничные воды впадают непосредственно в море, пределы таких трансграничных вод ограничиваются прямой линией, пересекающей их устье между токами, расположенными на линии малой воды на их берегах.

UZB (перевод на узбекский язык...): 1. “Трансчегаравий сувлар” – ... англатади; трансчегаравий сувлар бевосита денгизга оқаётса, бундай трансчегаравий сувлар уларнинг қирғоқларидаги тегишли қуйилиш жойларини кесиб ўтувчи саёз сув чизиғидаги нуқталар орасидаги тўғри чизиқ билан чегараланади.

*Комментарий: исправлена опечатка – заменено слово «токами» на слово «точками» и переведено как “нуқталар”.*

ENG: ANNEX I: 1 ... (b) technological advances and changes in scientific knowledge...;

RU (Приложение I): “1... (b) ...технический прогресс и изменения в научных знаниях...»;

UZB (I Илова): 1... (b) илмий билимларда... технологик ютуқлар ва ўзгаришлар.

*Комментарий: В данном примере вместо слова «технологические» использовано слово «технические». Понятия «технология» и «техника» имеют разное содержание.*

И т. п.

2. Конвенция о праве несудоходных видов использования международных водотоков (21 мая 1997 г.):

Convention on the Law of the Non-navigational Uses of International Watercourses 1997 (Adopted by the General Assembly of the United Nations on 21 May 1997) // [http://legal.un.org/ilc/texts/instruments/english/conventions/8\\_3\\_1997.pdf](http://legal.un.org/ilc/texts/instruments/english/conventions/8_3_1997.pdf)

Конвенция о праве несудоходных видов использования международных водотоков (Принята резолюцией 51/229 Генеральной Ассамблеи от 21 мая 1997 года) // [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/watercrs.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercrs.shtml)

ENG (Article 2): «For the purposes of the present Convention: (a) »Watercourse« means a system of surface waters and ground waters...».

RU (Статья 2): Для целей настоящей Конвенции: а) «водоток» означает систему поверхностных и грунтовых вод...».

UZB (3-модда): Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун: (а) “Сув оқими” – уларни жисмоний ўзаро боғлиқлиги сабабли яхлит бирлик ва одатда охири умумий бўлган ер усти ва ер ости сувлари тизимини англатади.

*Комментарий: Неуместен перевод словосочетания «ground waters» как “грунтовых вод”. «Грунтовые воды» (= «сизот сувлари») и «подземные воды» (= «ер ости сувлари») - это разные понятия.*

*Но главное – использование грунтовых вод не регулируется международным правом и, в частности, нет понятий «трансграничные грунтовые воды», «бассейны трансграничных грунтовых вод»*

ENG: ANNEX. ARBITRATION

RU: Добавление. Арбитраж

UZB: ИЛОВА. АРБИТРАЖ

*Комментарий: Очевидно, перевод слова «ANNEX» (= ИЛОВА) как «Добавление» (“Кўшимча”) неверно.*

И т. п.

При работе над переводами текстов Конвенций на узбекский язык главной задачей было не утратить смысловой контекст и, по возможности, сохранение максимального соответствия «букве текста» соответствующей Конвенции. В этом плане, если слова «when» (= когда), «where» (= где), были переведены на русскоязычном тексте как «если», то, в свою очередь и практически во всех случаях, на узбекский язык эти слова переводились, соответственно, как «қачон» и «қаерда».

Республика Узбекистан является Стороной обеих Конвенций (присоединилась к Конвенциям):

- К Конвенции по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер (Хельсинки, 17 марта 1992 г.) в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 9 августа 2007 г. № ПП-683.
- К Конвенции о праве несудоходных видов использования международных водотоков (Нью-Йорк, 21 мая 1997 г.) в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 9 августа 2007 г. № ПП-683.

Следует также отметить, что при принятии Конвенции по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер (Хельсинки, 1992 г.), она имела статус Региональной Конвенции, и к ней могли присоединиться государства-члены ЕЭК ООН (см. ст.23 Конвенции). В 2003 г. в Конвенцию внесена поправка с целью наделения любого государства-члена ООН правом присоединения к Конвенции, и она приобрела статус Глобальной Конвенции.

Текст поправки 2003 г. к Конвенции 1992 г. приведен в настоящем издании отдельно.

Тексты переводов Конвенций на узбекский язык осуществлены с целью введения их в научный оборот и учебный процесс на узбекском языке и могут быть полезны для соответствующей целевой аудитории.

Перевод текстов Конвенций на узбекский язык осуществлен в Научно-информационном Центре Межгосударственной Координационной Водохозяйственной Комиссии Центральной Азии.

Рысбеков Ю.Х., Рысбеков А.Ю.

## Таржимонлардан сўзбоши

Ушбу нашрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий Комиссияси (БМТ ЕИК) ва БМТ тегишли расмий сайтларида жойлаштирилган Умумжаҳон (Глобал) Сув Конвенцияларининг матнларини ўзбек тилига таржимаси тақдим этилган:

- Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Конвенция (1992 йил 17 март) – БМТ ЕИК Конвенцияси;
- Халқаро сув оқимларидан кема катновидан ташқари турларда фойдаланиш тўғрисида Конвенция (1997 йил 21 май) – БМТ Конвенцияси.

Конвенцияларнинг ўзбек тилига таржимаси уларнинг инглиз ва рус тилларидаги матнлари билан таққослаш йўли билан амалга оширилган. Аммо бундай ҳолатда савол туғилиши табиий - нега Конвенцияларнинг матнлари икки тилдаги нусхаларидан таржима қилинган, агар улар аутентик (тенг ҳақиқий) бўлса?

Дарҳақиқат, ушбу Конвенциялар тегишли моддаларида, Конвенцияларнинг турли тиллардаги матнлари аутентлиги (тенг ҳақиқийлиги) акс этилган (Хельсинки Конвенцияси, 28-модда; Нью-Йорк Конвенцияси, 37-модда).

Аmmo БМТ ва БМТ ЕИК тегишли сайтларида ва бошқа расмий сайтларда жойлаштирилган Конвенцияларнинг рус тилидаги матнларида ноаниқликлар мавжуд. Конвенцияларнинг иккала тилдаги матнларини таққослаш жараёнида аниқланган аутентликни бузадиган камчиликлар тўғриланган ёки баргараф этилган.

Мисоллар тарикасида:

1. Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Конвенция (1992 йил 17 март):

Convention on the Protection and use of Transboundary Watercourses and International Lakes (done at Helsinki, on 17 March 1992) // <http://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/water/pdf/watercon.pdf>

Конвенция по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер (принята 17 марта 1992 года) // [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/watercourses\\_lakes.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercourses_lakes.shtml)

## Преамбула

Инглиз тилида (ENG): “Referring to decisions I (42) and I (44) adopted by the Economic Commission for Europe at its forty-second and forty-fourth sessions ...”.

Рус тилида (RU), Конвенцияда таъкидлангандек, аутентик матн:

“Ссылаясь на решения I (42) и I (43), принятые Европейской экономической комиссией соответственно на ее сорок второй и сорок четвертой сессиях...”.

Ўзбек тилида (UZB): Европа иқтисодий комиссияси унинг қирқ иккинчи ва қирқ тўртинчи сессияларида қабул қилинган I (42) ва I (44) қарорларига...”.

*Шарх: Рус тилидаги матнда “I (43)” матн териш хатоси мавжуд.*

## Article 1 (DEFINITIONS)

ENG (Article 1): 1. «Trans-boundary waters» means...; wherever trans-boundary waters flow directly into the sea, these trans-boundary waters end at a straight line across their respective mouths between points on the low-water line of their banks”.

RU (Статья 1): 1. «Трансграничные воды» означают...; в тех случаях, когда трансграничные воды впадают непосредственно в море, пределы таких трансграничных вод ограничиваются прямой линией, пересекающей их устье между токами, расположенными на линии малой воды на их берегах”.

UZB (1-модда): 1. “Трансчегаравий сувлар”...; қаерда трансчегаравий сувлар бевосита денгизга оқаётса, бундай трансчегаравий сувлар уларнинг қирғокларидаги тегишли қуйилиш жойларини кесиб ўтувчи саёз сув чизигидаги нуқталар орасидаги тўғри чизиқ билан чегараланади”.

*Шарх: Рус тили матндаги матн териш хатоси - «токами» сўзи «точками» сўзига алмаштирилган, ва “нуқталар” деб таржима қилинган.*

ENG (ANNEX I): “1 ... (b) technological advances and changes in scientific knowledge...”.

RU (Приложение I): “1. ...b) ...технический прогресс и изменения в научных знаниях...”.

UZB (I Илова): 1... (b) илмий билимларда... технологик ютуқлар ва ўзгаришлар.

*Шарх:* Бу мисолда «технологические» сўзи ўрнига «технические» сўзи ишлатилган. «Технология» ва «техника» тушунчалари хар хил мазмунга эга.

Ва ҳоқазо.

2. Халқаро сув оқимларидан кема қатновидан ташқари турларида фойдаланиш тўғрисида Конвенция (1997 йил 21 май):

Convention on the Law of the Non-navigational Uses of International Watercourses 1997 (Adopted by the General Assembly of the United Nations on 21 May 1997) // [http://legal.un.org/ilc/texts/instruments/english/conventions/8\\_3\\_1997.pdf](http://legal.un.org/ilc/texts/instruments/english/conventions/8_3_1997.pdf)

Конвенция о праве несудоходных видов использования международных водотоков (Принята резолюцией 51/229 Генеральной Ассамблеи от 21 мая 1997 года) // [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/watercrs.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercrs.shtml)

ENG (Article 2): “For the purposes of the present Convention: (a) «Watercourse» means a system of surface waters and ground waters...”.

RU (Статья 2): Для целей настоящей Конвенции: а) «водоток» означает систему поверхностных и грунтовых вод...”.

UZB (3-модда): Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун: (а) “Сув оқими” – уларни жисмоний ўзаро боғлиқлиги сабабли яхлит бирлик ва одатда охири умумий бўлган ер усти ва ер ости сувлари тизимини англатади.

*Шарх:* «ground waters» жумлани “грунтовых вод” деб таржима қилиш ўринли эмас. «Грунтовые воды» (= «сизот сувлари») ва «подземные воды» (= «ер ости сувлари») – ҳар хил тушунчалар. Ва муҳими – сизот сувларидан фойдаланиш халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинмайди, ва, хусусан, «трансчегаравий сизот сувлар», «трансчегаравий сизот сувлар ҳавзалари» деган тушунчалари мавжуд эмас.

ENG: ANNEX. ARBITRATION

RU: Добавление. Арбитраж

UZB: ИЛОВА. АРБИТРАЖ

*Шарх:* «ANNEX» (= ИЛОВА) сўзи таржимаси “Кўшимча” эмаслиги кўриниб турибди.

Ва ҳоқазо.

Конвенцияларнинг матнларини ўзбек тилига таржимаси устида иш олиб бориш жараёнида, уларнинг маъновий мазмунига шикаст етказмай ва матнларни, иложи борича, бевосита «матн ҳарфига» максимал даражада мувофиқлигини сақлаб қолиш асосий вазифа бўлган. Шу маънода, Конвенцияларнинг рус тилидаги матнларида «when» (= “когда”), «where» (= “где”) сўзлари «если» деб таржима қилинган бўлса, бу сўзлар, ўз навбатида ва деярли ҳар қандай ҳолатда, ушбу нашрда матн буйича ўзбек тилига «қачон» ва «қаерда» деб таржима қилинган.

Ўзбекистон Республикаси иккала Конвенция Томони (Конвенцияларга кўшилган):

- Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Конвенцияга (Хельсинки, 1992 йил) -Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 август ПҚ-683-сонли Қарори.
- Халқаро сув оқимларидан кема қатновидан ташқари турларда фойдаланиш тўғрисида Конвенцияга (Нью-Йорк, 1997 йил) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 август ПҚ-683-сонли Қарори.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Конвенцияга (Хельсинки, 1992 йил) қабул қилинганида Минтақавий Конвенция мақомига эга эди ва унга БМТ ЕИК аъзо давлатлар қўшилиши мумкин эди (қаранг: Конвенциянинг 23-моддаси).

2003 йилда Конвенцияга БМТ аъзо ҳар қандай давлат Конвенцияга қўшилиш ҳуқуқини берадиган ўзгартиш киритилди ва Конвенция Умумжаҳон (Глобал) мақомга эга бўлди. Конвенцияга 2003 йилги ўзгартиш матни ушбу нашрда алоҳида келтирилган.

Конвенцияларнинг ўзбек тилига таржимаси матнлари Конвенцияларни ўзбек тилида илмий муомалага ва ўқув жараёнига киритиш мақсадида амалга оширилган ва тегишли мақсадли аудиториялар учун фойдали бўлиши мумкин.

Конвенцияларни матнларини ўзбек тилига таржимаси Ўрта Осиё Давлатлараро Сув Хўжалигини Мувофиқлаштириш Комиссиясининг Илмий-Ахборот Марказида амалга оширилган.

Рысбеков Ю.Х., Рысбеков А.Ю.

## Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофазаси қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Конвенция

1992 йил 17 мартда Хельсинкида амалга оширилди

### МУҚАДДИМА

Ушбу Конвенция Томонлари,

Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофазаси ва улардан фойдаланиш муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масалалар бўлиб, уларни самарали бажарилишини таъминлаш фақат кенг ҳамкорлик билан мумкин эканлигини *англаган ҳолда*,

Қисқа муддатли ёки узоқ муддатли истиқболда трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари ҳолати ўзгаришининг Европа иқтисодий комиссиясига (ЕИК) аъзо мамлакатларининг атроф-муҳит, иқтисодиёт ва фаровонлигига салбий оқибатлари мавжудлиги ва таҳдиди муносабати билан хавотир *билдирган ҳолда*,

Сув муҳитига хавфли моддаларни ташланишини олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш ҳамда денгиз муҳитининг эвтрофикация ва оксидланишини, шунингдек, айниқса соҳилбўйи денгиз ҳудудларининг қуруқликда жойлашган манбалардан ифлосланишини камайтириш бўйича миллий ва халқаро чораларни мустаҳкамлаш заруратини *таъкидлаган ҳолда*,

Ҳозирга қадар ЕИК аъзо мамлакатлар ҳукуматлари иккитомонлама ва кўптомонлама асосда трансчегаравий ифлосланишни олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш, сув ресурсларини барқарор бошқариш, уларни сақлаш ва атроф-муҳит муҳофазаси мақсадида ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун қилинган саъйи-ҳаракатларини *юқори баҳолаган ҳолда*,

Инсон атроф-муҳити муаммолари бўйича Стокгольм конференцияси Декларациясини, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашини (ЕХХК) Якуний актинини, ЕХХК аъзо давлатлар вакилларининг Мадрид ва Вена учрашувлари Якуний ҳужжатлари ва ЕИК аъзо давлатларида 2000 йилгача даврда ундан кейин атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг Минтақавий стратегиясини тегишли қоида ва тамойилларини *эслатган ҳолда*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси трансчегаравий сувларнинг ифлосланишини олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш ҳамда трансчегаравий сувлардан барқарор фойдаланишда ҳалқаро ҳамкорликка ёрдам беришда ўрнини англаган ҳолда ва шу муносабат билан ЕИК сув ресурсларининг ифлосланишини олдини олиш ва назорат қилиш соҳасидаги сиёсат тўғрисида Декларациясини, жумладан, трансчегаравий ифлосланишини; сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш сиёсати тўғрисида ЕИК Декларациясини; трансчегаравий сувлар соҳасида ҳамкорлик борасида ЕИК Тамойилларини; ер ости сувларини бошқаруви борасида ЕИК Хартиясини; ва трансчегаравий ички сувларни авариявий ифлосланишида хулқ-атвор Кодексини *эслатган ҳолда*,

Европа иқтисодий комиссияси унинг, мос равишда, қирқ иккинчи ва қирқ тўртинчи сессияларида қабул қилинган I (42) и I (44) қарорларига ва ЕХХК атроф-муҳит муҳофазаси бўйича учрашувининг (София, Болгария, 1989 йил 16 октябрь – 3 ноябрь) яқунларига *ҳавола қилган ҳолда*,

Трансчегаравий сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга нисбатан аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик, аввало, ягона сувлар билан чегарадош бўлган соҳилбўйи мамлакатлари ўртасида битимлар орқали амалга ошишини *таъкидлаган ҳолда*, айниқса, бундай битимларга хали эришилмаганда,

Қуйидагига *келишдилар*:

## 1-модда

### ТАЪРИФЛАР

Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун:

1. “Трансчегаравий сувлар” – икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги чегараларни белгиловчи, кесиб ўтувчи, ёки шундай чегараларда жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувларини англатади; трансчегаравий сувлар бевосита денгизга оқаётса, бундай трансчегаравий сувлар чегараси уларнинг қирғоқларида жойлашган қуйилиш жойини кесиб ўтувчи саёз сув чизигидаги нукталар орасидаги тўғри чизиқ билан чегараланади.

2. “Трансчегаравий таъсир” – атроф-муҳитга инсон фаолияти билан боғлиқ трансчегаравий сувлар ҳолати ўзгариши натижасида атроф-муҳитга ҳар қандай жиддий салбий таъсирни англатади, бу ўзгаришнинг жисмоний манбаси тўлиқ ёки қисман бир Томоннинг юрисдикцияси остидаги

худудда, атроф-муҳит учун салбий таъсир эса бошқа Томон юрисдикцияси остидаги худудда бўлса. Атроф-муҳит учун бундай таъсир ўз ичига инсон саломатлиги ва хавфсизлиги, флора, фауна, тупроқ, ҳаво, сувлар, иқлим, ландшафт ва тарихий ёдгорликлар ёки бошқа моддий объектлар учун оқибатлар ёки ушбу омилларнинг ўзаро оқибатлари киради; улар, шунингдек, ушбу омиллар ўзгариши натижасида маданий меросга ёки ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга таъсирни ҳам қамраб олади.

3. “Томон” – агар матнда бошқача кўрсатилмаса, ушбу Конвенциянинг Келишилаётган Томонини англатади.

4. “Соҳилбўйи Томонлар” – ягона трансчегаравий сувлар билан чегарадош Томонларни англатади.

5. “Кўшма орган” – Соҳилбўйи Томонлар ўртасида ҳамкорлик учун ҳар қандай икки томонлама ёки кўп томонлама комиссияни ёки тегишли институционал механизмларни англатади.

6. “Хавфли моддалар” – захарли, канцероген, мутаген, тератоген ёки биологик йиғувчан бўлган моддаларни англатади, айниқса, улар барқарор бўлганда.

7. “Энг яхши мавжуд технология” – (таърифи ушбу Конвенцияга I иловада келтирилган).

## **I ҚИСМ**

### **БАРЧА ТОМОНЛАРГА ТЕГИШЛИ ҚОИДАЛАР**

#### **2-модда**

#### **УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Томонлар ҳар қандай трансчегаравий таъсирни олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш учун барча тегишли чораларни кўради.

2. Томонлар, хусусан, барча тегишли чораларни кўради:

(а) Трансчегаравий таъсир кўрсатаётган ёки кўрсатиши мумкин бўлган сувларнинг ифлосланишини олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш учун;

(б) Трансчегаравий сувларни экологик мақбул ва оқилона бошқариш мақсадида фойдаланишини таъминлаш, уларни сақлаш ва атроф-муҳит муҳофазаси учун;

(с) Трансчегаравий таъсир кўрсатаётган ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолият ҳолда, трансчегаравий сувлардан, уларнинг трансчегаравий табиатини алоҳида ҳисобга олиб, оқилона ва адолатли тарзда фойдаланишини таъминлаш учун;

(d) Экотизимни асраш ва, зарур бўлганда, тикланишини таъминлаш учун.

3. Сувларнинг ифлосланишини олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш бўйича чоралар, қаерда мумкин бўлса, ифлосланиш манбасида қўлланилади.

4. Бу чоралар оқибати, тўғридан-тўғри ёки билвосита, ифлосланишни атроф-муҳитнинг бошқа қисмларига ўтиши бўлмаслиги керак.

5. Шу модданинг 1- ва 2- бандларида эслатиб ўтилган чораларни амалга оширишда Томонлар қуйидаги тамойиллар билан қўлланади:

(а) Эҳтиёткорлик тамойили, - унга кўра хавfli моддалар ташлашининг мумкин бўлган трансчегаравий таъсирни олдини олиш бўйича чоралар кечиктирилмаслиги керак, илмий тадқиқотлар, бир томондан, ушбу моддалар ўртасидаги ва, бошқа томондан, мумкин бўлган трансчегаравий таъсир билан сабаб-оқибат алоқасини тўлиқ исботланмаганлиги асосида;

(b) “Ифлослаган тўлайди” тамойили, - унга кўра ифлосланишни олдини олиш, назорат қилиш ёки қисқартириш чораларига оид харажатларни ифлослаган шахс қоплайди;

(с) Сув ресурслари, ҳозирги авлоднинг эҳтиёжларини қондиришда, келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятини таҳдид остига қўймасдан бошқарилади.

6. Соҳилбўйи Томонлар, келишилган сиёсат, дастурлар ва стратегиялар ишлаб чиқиш учун, тенглик ва ўзаро розилик асосида ҳамкорлик қилади, хусусан, икки томонлама ва кўп томонлама битимлар орқали. Бу сиёсат, дастур ва стратегиялар ўз ичига тегишли сув ҳавзалари ёки уларнинг қисмларини қамраб олади ва трансчегаравий таъсирни олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартиришини таъминлашга ва трансчегаравий сувлар атроф-муҳитини ёки шундай сувлар таъсири остидаги атроф-муҳитни, жумладан, денгиз муҳитини муҳофаза қилишга мўлжалланади.

7. Ушбу Конвенциянинг қўлланиши атроф-муҳит шароитлари ёмонлашишига ёки трансчегаравий таъсирни кучайишига олиб келмаслиги керак.

8. Ушбу Конвенциянинг қоидалари Томонларнинг алоҳида ёки биргаликда ушбу Конвенцияда кўзда тутилган чоралардан қатъийроқ чораларни қабул қилиш ва амалга ошириш ҳуқуқига дахл қилмайди.

### 3-модда

## ОЛДИНИ ОЛИШ, НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҚИСҚАРТИРИШ

1. Трансчегаравий таъсирни олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш учун Томонлар тегишли ҳуқуқий, маъмурий, иқтисодий, молиявий ва техник чораларни ишлаб чиқади, қабул қилади. амалга оширади ва, имкон қадар, уларни мослигига эришади, хусусан, куйидагиларни таъминлаш учун:

(а) Ифлослантирувчиларни ташлашни уларнинг манбасида олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш, хусусан, камчиқинди ва чиқиндисиз технологияларни қўллаш орқали;

(б) Трансчегаравий сувларни нуқтали манбалардан ифлосланишидан муҳофаза қилиш, ваколатли миллий органлар томонидан оқинди сувларни ташлашни дастлабки лицензиялаш ва рухсат берилган ташлашлар мониторингини ва назоратини амалга ошириш орқали;

(с) Рухсатномаларда кўрсатиладиган оқинди сувларни ташлаш учун лимитларни хавфли моддалар ташлаш учун энг яхши мавжуд технология асосида аниқлаш;

(д) Қатъийроқ, айрим ҳолларда ташлашларни тақиқлашга олиб келувчи, талабларни жорий этиш, қачон буни экотизим ёки олинаётган сувнинг сифати талаб қилса;

(е) Коммунал оқинди сувларга, лоақал, биологик тозалаш ёки эквивалент жараёнларни қўллаш, қаерда бу босқичма-босқич ёндашувда зарур бўлса;

(ф) Саноат ва коммунал манбалардан нутриентлар келишини қисқартириш учун, тегишли чораларни кўриш, энг яхши мавжуд технологияни қўллаш каби;

(г) Нутриентлар ва хавфли моддалар диффуз манбалардан келишини қисқартириш учун, айниқса, асосий манбалар қишлоқ хўжалиги ҳисобидан бўлганда, тегишли чоралар ва атроф-муҳит муҳофазаси энг яхши амалиётларни ишлаб чиқиш ва қўллаш (атроф-муҳит муҳофазаси энг яхши амалиётларини ишлаб чиқиш учун раҳбарий тамойиллар ушбу Конвенцияга II иловада келтирилган);

(ҳ) Атроф-муҳитга таъсирни баҳолашни ва бошқа баҳолаш воситаларини қўллаш;

(и) Сув ресурсларини барқарор бошқаришини олға суриш, шу жумладан, экотизим ёндашувини қўллаш;

(j) Кўзда тутилмаган вазиятлар ҳоллардаги режалаштириш;

(k) Ер ости сувларининг ифлосланишини олдини олиш бўйича қўшимча ўзига хос чораларни амалга ошириш;

(l) Авариявий ифлосланиш хатарини минималлаштириш.

2. Шу мақсадларда, ҳар бир Томон хавфли моддалар тушадиган, саноатнинг алоҳида сектор ва соҳаларига, уларга муайян қўлланадиган нуқтали манбалардан ер усти сувларига ташлашларнинг лимитларини энг яхши мавжуд технология асосида аниқлайди. Ушбу модданинг 1-бандида эслатиб ўтилган нуқтали ёки диффуз манбалардан хавфли моддаларни сувларга тушишини олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш бўйича тегишли чоралар, хусусан, бундай моддаларни ишлаб чиқариш ёки фойдаланишни тўла ёки қисман тақиқлашни қамраб олиши мумкин. Халқаро конвенциялар ёки қоидаларда мавжуд ва ушбу Конвенция қамраб олган ва қўлланиши мумкин бўлган бундай соҳалар ёки секторлар ва бундай хавфли моддалар рўйхатлари эътиборга олинади.

3. Ундан ташқари, ҳар бир Томон, қаерда зарур бўлса, трансчегаравий таъсирни олдини олиш, чеклаш ва қисқартириш учун сув сифати мақсадли кўрсаткичларини аниқлайди ва сув сифати мезонларини қабул қилади. Бундай мақсадли кўрсаткичлар ва мезонлар ишлаб чиқиш учун умумий қўлланма ушбу Конвенцияга III иловада келтирилган. Качон зарурат бўлса, Томонлар бу иловани янгилаш учун саъй-ҳаракатларни амалга оширади.

#### **4-модда**

### **МОНИТОРИНГ**

Томонлар трансчегаравий сувлар ҳолати мониторинги дастурларини ишлаб чиқади.

#### **5-модда**

### **ТАДҚИҚОТ ВА ИЗЛАНИШЛАР**

Томонлар трансчегаравий таъсирни олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартиришнинг самарали услубларига оид тадқиқотлар ва изланишлар ўтказишда ҳамкорлик қилади. Бунинг учун Томонлар икки томонлама ва/ёки кўп томонлама асосда, тегишли халқаро форумларнинг тадқиқот фаолиятини эътиборга олган ҳолда, қаерда зарур бўлса, ўзига хос тадқиқот дастурлари ташаббуси билан чиқишга ёки уларни фаоллаштиришга интилади, хусусан, қуйидаги мақсадларда:

- (a) Хавфли моддаларни заҳарлигини ва ифлослантирувчи моддаларни зарарлигини баҳолаш услублари;
- (b) Ифлослантирувчи моддалар юзага келиши, тарқалиши ва атроф-муҳитга таъсири ва уларга боғлиқ жараёнлар тўғрисида билимларни такомиллаштириш;
- (c) Атроф-муҳит учун хавфсиз технологияларни, ишлаб чиқариш ва истеъмол моделларини ишлаб чиқиш ва кўллаш;
- (d) Трансчегаравий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган моддаларни фойдаланишини босқичма-босқич қисқартириш ва/ёки уларни алмаштириш;
- (e) Хавфли моддаларни олиб ташлашни атроф-муҳит учун хавфсиз услублари;
- (f) Трансчегаравий сувлар ҳолатини яхшилаш махсус услублари;
- (g) Гидротехник иншоотлар қурилишини ва оқимни тартибга солишни атроф-муҳит учун хавфсиз услубларини ишлаб чиқиш;
- (h) Трансчегаравий таъсир натижасидаги зарарни жисмоний ва молиявий баҳолаш.

Томонлар ўртасида бу тадқиқот дастурларининг натижалари билан алмашиш ушбу Конвенциянинг 6-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

#### **6-модда**

### **АХБОРОТ АЛМАШИШ**

Томонлар имкон қадар қисқа муддатда ушбу Конвенция қоидалари билан қамраб олинган масалалар бўйича ахборот билан энг кенг алмашишни таъминлайди.

#### **7-модда**

### **МОДДИЙ ВА БОШҚА ЖАВОБГАРЛИК**

Томонлар моддий ва бошқа жавобгарлик соҳасида қоидалар, мезонлар ва таомиллар ишлаб чиқиш бўйича тегишли халқаро саъйи-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

**8-модда****АХБОРОТНИ ҲИМОЯЛАШ**

Ушбу Конвенция қоидалари Томонларнинг уларни миллий ҳуқуқ тизимларига ва қўллаб бўладиган ва супрамиллий қоидаларга мувофиқ, саноат ва тижорат сирига, жумладан, интеллектуал мулкни, ёки миллий хавфсизлигига оид ахборотни ҳимоя қилиш ҳуқуқларига ёки мажбуриятларига дахл қилмайди.

**II ҚИСМ****СОҲИЛБЎЙИ ТОМОНЛАРГА ОИД ҚОИДАЛАР****9-модда****ИККИТОМОНЛАМА ВА КЎПТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК**

1. Соҳилбўйи Томонлар тенглик ва ўзаро розилик асосида иккитомонлама ёки кўптотомонлама битимларга ёки бошқа келишувларга эришади, қачон бундайлар ҳали мавжуд бўлмаса, ёки, каерда зарур бўлса, ушбу Конвенциянинг асосий тамойилларига зидликларни йўқотиш учун, трансчегаравий таъсирни олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартиришга оид ўзаро муносабатларини ва хулқини аниқлаш учун, мавжуд битимларни ёки келишувларни мослаштиради. Соҳилбўйи Томонлар сув хавзаси ёки унинг қисмини (қисмларини) - ҳамкорлик объектини аниқлайди. Бу битимлар ёки келишувлар ушбу Конвенция қамраб олган тегишли масалаларни, ва Соҳилбўйи Томонлар ҳамкорлик зарур деб ҳисоблаган ҳар қандай бошқа масалаларни кўзда тутади.

2. Ушбу модданинг 1-бандида эслатиб ўтилган битимлар ёки келишувлар қўшма органлар таъсис этишни кўзда тутиши керак. Бу қўшма органларнинг вазифалари, хусусан, тегишли мавжуд битимлар ёки келишувларга зарарсиз ҳолда, қуйидагича:

(а) Трансчегаравий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ифлосланиш манбаларини идентификация қилиш мақсадида маълумотларни тўплаш, компиляция қилиш ва баҳолаш;

(б) Сувлар сифати ва миқдори мониторинги қўшма дастурларини ишлаб чиқиш;

(с) Ушбу модданинг 2 (а) бандида эслатилган ифлосланиш манбаларини инвентаризация қилиш ва улар тўғрисида ахборот алмашиш;

(d) Оқинди сувларни ташлаш учун лимитлар ишлаб чиқиш ва назорат дастурларини самарадорлигини баҳолаш;

(е) Ушбу Конвенциянинг 3-моддасининг 3-банди қоидаларини ҳисобга олиб, сувлар сифати мақсадли кўрсаткичлари ва мезонларини биргаликда ишлаб чиқиш, ва сувларни мавжуд сифатини сақлаш ва, каерда зарур бўлса, яхшилаш учун тегишли чоралар таклиф этиш;

(f) Нуқтали манбалардан ҳам (масалан, коммунал ва саноат манбаларидан), диффуз манбалардан ҳам (айникса, қишлоқ хўжалик манбаларидан) ифлосланиш юқини пасайтириш учун келишилган ҳаракатлар дастурларини ишлаб чиқиш;

(g) Хабарлашиш ва сигнализация таомилларини белгилаш;

(h) Трансчегаравий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган сувдан фойдаланишнинг мавжуд ва режалаштирилаётган турларига ва тегишли иншоотларга бўйича ахборот алмашиш учун форум сифатида хизмат қилиш;

(i) Ушбу Конвенциянинг 13-моддаси қоидаларига мувофиқ, энг яхши мавжуд технологиялар борасида ҳамкорликка ва ахборот алмашишга ёрдам бериш, илмий тадқиқотлар дастурлари борасида ҳамкорликни рағбатлантириш каби;

(j) , Тегишли халқаро йўриқномаларга мувофиқ, трансчегаравий сувларга оид атроф-муҳитга таъсирни баҳолашни амалга оширишда иштирок этиш.

3. Ушбу Конвенциянинг Томони бўлган денгизбўйи давлати бевосита ва сезиларли трансчегаравий таъсирга дучор бўлаётган ҳолларда, Соҳилбўйи Томонлар, агар улар ҳаммаси шунга рози бўлса, шундай трансчегаравий сувларга соҳилбўйи бўлган Томонлар таъсис этган кўп томонлама кўшма органларининг фаолиятида шу денгизбўйи давлатини тегишли тарзда иштирок этишга таклиф қилиши мумкин.

4. Ушбу Конвенцияга мувофиқ таъсис этилган кўшма органлар денгизбўйи давлатлари трансчегаравий таъсирга бевосита дучор бўлаётган денгиз муҳитини муҳофаза қилиш учун таъсис этилган кўшма органларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади, уларнинг ишини келишиш ва трансчегаравий таъсирни олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш учун.

5. Бир сув ҳавзасида икки ёки кўпроқ қўшма орган мавжуд бўлса, улар шу сув ҳавзаси ичида трансчегаравий таъсирни олдини олиш, назорат қилиш ва қискартириш бўйича чораларни кучайтириш учун ўз фаолиятини мувофиқлаштиришга интилади.

### 10-модда

## МАСЛАҲАТЛАР

Ҳар қандай Соҳилбўйи Томон талабига кўра, Томонлар ўртасида маслаҳатлар ўзаро розилик, эзгу ирода ва эзгу қўшничилик асосида ўтказилади. Бундай маслаҳатлар ушбу Конвенция қоидалари қамраб олувчи масалаларга оид ҳамкорликка қаратилади. Ҳар қандай бундай маслаҳатлар ушбу Конвенциянинг 9-моддасига мувофиқ таъсис қилинадиган қўшма орган орқали ўтказилади, қаерда у мавжуд бўлса.

### 11-модда

## ҚЎШМА МОНИТОРИНГ ВА БАҲОЛАШ

1. Ушбу Конвенциянинг 9-моддасида эслатиб ўтилган умумий ҳамкорлик ёки ўзига хос келишувлар доирасида, Соҳилбўйи Томонлар трансчегаравий сувлар ҳолати, жумладан, тошқинлар ва сузувчи музлар, трансчегаравий таъсири мониторинги қўшма дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

2. Соҳилбўйи Томонлар ифлосланиш параметрларини ва мунтазам мониторинги олиб бориладиган трансчегаравий сувларга ифлослантирувчиларни ташлашлар ва уларни шу сувларда концентрацияларини келишади.

3. Соҳилбўйи Томонлар мунтазам равишда трансчегаравий сувлар ҳолатини ва трансчегаравий таъсирни олдини олиш, назорат қилиш ва қискартириш учун қабул қилинаётган чоралар самарадорлигини биргаликда ёки келишилган баҳолашлар ўтказади. Бу баҳолашлар натижалари, ушбу Конвенциянинг 16-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ, жамоатчиликка мавжуд бўлиши керак.

4. Шу мақсадлар учун Соҳилбўйи Томонлар мониторинг дастурлар, ўлчаш тизимлари, асбоблар, тахлилий услублар, маълумотларни ишлови ва баҳолаш таомилларини, шунингдек, ташланаётган ифлослантирувчиларни қайд қилиш услубларини ишлаб чиқиш ва қўллаш қоидалари тўғрисида келишади.

**12-модда****ҚЎШМА ТАДҚИҚОТЛАР ВА ИЗЛАНИШЛАР**

Ушбу Конвенциянинг 9-моддасида эслатиб ўтилган умумий ҳамкорлик, ёки ўзига хос келишувлар доирасида, Соҳилбўйи Томонлар, улар белгилаган ва қабул қилган сув сифатининг мақсадли кўрсаткичларига ва мезонларига эришишни ва уларни таъминлашни кўллаб-қувватлаш учун, ўзига хос тадқиқотлар ва изланишлар бўйича фаолиятни амалга оширади.

**13-модда****СОҲИЛБЎЙИ ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА АХБОРОТ АЛМАШИШ**

1. Соҳилбўйи Томонлар, тегишли битимлар ёки бошқа келишувлар доирасида, ушбу Конвенциянинг 9-моддасига мувофиқ, олиш учун оқилона мавжуд маълумотлар билан алмашади, хусусан, қуйидагилар тўғрисида:

(a) Трансчегаравий сувлар атроф-муҳитининг ҳолати;

(b) Энг яхши мавжуд технологияни кўллаши ва ишлаши тўғрисида тўпланган тажриба ва тадқиқотлар ва изланишлар натижалари;

(c) Мониторинг ва ташлашлар тўғрисида маълумотлар;

(d) Трансчегаравий таъсирни олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш бўйича кўрилатган ва режалаштираётган чоралар;

(e) Оқинди сувларни ташлаш бўйича ваколатли ҳокимият ёки тегишли орган чиқараётган рухсатномалар ёки қоидалар.

2. Оқинди сувларни ташлаш лимитларини келишиш учун Соҳилбўйи Томонлар миллий йўриқномалари тўғрисида ахборот алмашишни амалга оширади.

3. Агар Соҳилбўйи Томонни бошқа Соҳилбўйи Томон мавжуд эмас маълумотлар ёки ахборотни тақдим этишни сўраса, биринчиси сўровни бажариш учун саъйи-ҳаракатлар қилади, бироқ, сўраган Томондан бундай маълумотлар ёки ахборотни йиғиш ва, қаерда зарур бўлса, уларни ишлови учун оқилона харажатларни тўлаши шартини қўйиши мумкин.

4. Ушбу Конвенцияни бажариш мақсадлари учун Соҳилбўйи Томонлар энг яхши мавжуд технология алмашишига ёрдамлашади, айниқса, энг яхши мавжуд технологияни тижорат алмашишни, саноатда тўғридан-тўғри

алоқалар ва ҳамкорликни, жумладан, қўшма корхоналарни, ахборот ва тажриба алмашиш ва техник ёрдам тақдим этишни олға суриш орқали. Шунингдек, Соҳилбўйи Томонлар қўшма тренинг дастурларини амалга оширади ва тегишли семинарлар ва учрашувлар ташкил этади.

#### 14-модда

### БИЛДИРИШ ВА СИГНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ

Соҳилбўйи Томонлар бир-бирларини трансчегаравий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай қалтис вазиятдан кечикмай хабардор қилади. Қаерда зарур бўлса, Соҳилбўйи Томонлар, ахборот олиш ва узатиш мақсадида, алоқа, билдириш ва сигнализацияни уйғунлаштирган ёки қўшма тизимларини яратади ва улардан фойдаланади. Бу тизимлар Соҳилбўйи Томонлар келишилган мос маълумотларни узатиш ва ишлов ва хизмат воситаларини қўллаш таомиллари асосида ишлатилади. Соҳилбўйи Томонлар шу мақсад учун мўлжалланган ваколатли органлар ёки алоқа нукталар тўғрисида бир-бирларини хабардор қилади.

#### 15-модда

### ЎЗАРО ЁРДАМ

1. Агар қалтис вазият юзага келса, Соҳилбўйи Томонлар, сўровга кўра, шу модданинг 2-банди қоидаларига мувофиқ белгиланган таомилларга мувофиқ ўзаро ёрдам кўрсатади.

2. Соҳилбўйи Томонлар ўзаро ёрдам таомилларини ишлаб чиқади ва келишади, хусусан, қуйидаги масалаларга оид:

(а) Ёрдам кўрсатишни йўналиши, назорат қилиши, мувофиқлаштириши ва кузатиши;

(б) Ёрдам сўраган Томон тақдим этадиган маҳаллий хизмат воситалари ва хизматлар, хусусан, қаерда зарур бўлса, чегарани кесиб ўтиш расмиятчилигида ёрдам;

(с) Ёрдам кўрсатаётган Томонга ва/ёки унинг ходимларига зарар етказмаслик, уни қоплаш ва/ёки компенсацияси, ва, қаерда зарур бўлса, учинчи Томонлар худудларидан транзит бўйича чоралар;

(д) Ёрдам кўрсатиш бўйича хизматлар харажатларини қоплаш усуллари.

## **16-модда**

### **ИЖТИМОИЙ АХБОРОТ**

1. Соҳилбўйи Томонлар трансчегаравий сувлар ҳолати тўғрисида, трансчегаравий таъсирни олдини олиш, назорат қилиш ва қисқартириш учун қабул қилинган ёки режалаштираётган чоралар, шунингдек, бу чоралар самарадорлиги тўғрисида ахборот жамоатчиликка мавжуд бўлишини таъминлайди. Шу мақсадда, Соҳилбўйи Томонлар жамоатчиликка қуйидаги ахборот мавжуд бўлишини таъминлайди:

(a) Сув сифати мақсадли кўрсаткичлари;

(b) Берилаётган рухсатномалар ва бажарилиши талаб қилинадиган шартлар;

(c) Мониторинг ва баҳолаш мақсадлари учун сув ва оқиндилар намуналарини олиш натижалари, ва сув сифати мақсадли кўрсаткичларига ёки рухсат берилган шартларига мослигини текшириш натижалари каби.

2. Соҳилбўйи Томонлар жамоатчиликка ҳар қандай оқилона муддатда текшириш учун текин мавжуд бўлишини таъминлайди, ва жамоатчилик вакилларига бундай ахборотни нусхаларини оқилона нархда Соҳилбўйи Томонлардан олишга оқилона ёрдам беради.

## **III ҚИСМ**

### **ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

## **17-модда**

### **ТОМОНЛАР КЕНГАШИ**

1. Томонларнинг биринчи кенгаши ушбу Конвенция кучга кирган санадан кейин бир йилдан кечиктирмай чақирилади. Кейинча, навбатдаги кенгашлар ҳар уч йилда ёки қисқарок вақт орасида ўтказилади, таомил қоидаларида белгилангандек. Навбатдан ташқари кенгашни Томонлар, агар улар навбатдаги кенгашда шундай қарор қилса, ёки ҳар қандай Томоннинг ёзма сўровига кўра, бу ҳақда ҳамма Томонларни олти ой олдин билдириш шарти билан ва Томонларнинг, камида, учдан бир қисми бу сўровни кўллаб-қувватласа, ўтказилади.

2. Кенгашларида Томонлар ушбу Конвенцияни бажаришини доимий назорат остида тутди ва шу мақсадда:

- (a) Трансчегаравий сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада яхшилаш мақсадида Томонларнинг трансчегаравий сувларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш сиёсати ва методологик ёндашувларини шарҳлайди;
- (b) Икки ёки ундан ортиқ Томонлар томони бўлган трансчегаравий сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид икки томонлама ва кўп томонлама битимлар ёки бошқа келишувларни имзолашда ва уларни бажаришда тўпланган тажрибага тўғрисида ахборот билан алмашади;
- (c) Ушбу Конвенциянинг мақсадларига эришишга алоқадор барча жиҳатлар бўйича, қаерда бу ўринли бўлса, ЕИК тегишли органлари, бошқа ваколатли халқаро органлар ва ўзига хос кўмиталар каби хизматларидан фойдаланади;
- (d) Уларнинг кенгашларини таомиллар қоидаларини биринчи кенгашида кўриб чиқади ва консенсус билан қабул қилади;
- (e) Ушбу Конвенцияга ўзгартишлар бўйича таклифларни кўриб чиқади ва қабул қилади;
- (f) Ушбу Конвенциянинг мақсадларига эришиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай кўшимча чораларни кўриб чиқади ва амалга оширади.

## 18-модда

### ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ

1. Шу модданинг 2-бандида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, ушбу Конвенциянинг ҳар бир Томони бир овозга эга.
2. Иқтисодий интеграция минтакавий ташкилотлари, уларнинг ваколатидаги масалалар бўйича, уларга аъзо давлатлар ушбу Конвенция Томонлари бўлган сонига тенг овоз бериш ҳуқуқига эга ҳолда овоз бериш ҳуқуқини амалга оширади. Бундай ташкилотлар овоз бериш ҳуқуқини амалга оширмайди, агар уни ташкилотга аъзо давлатлар амалга оширса, ва аксинча.

## **19-модда**

### **КОТИБИЯТ**

Европа иқтисодий комиссия Ижрочи котиби куйидаги котибият вазифаларини бажаради:

- (а) Томонлар кенгашларини чақириш ва тайёрлаш;
- (б) Томонларга ушбу Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ олинган маърузалар ва бошқа ахборотни етказиш;
- (с) Томонлар белгилаши мумкин бўлган бошқа шундай вазифаларни бажариш.

## **20-модда**

### **ИЛОВАЛАР**

Ушбу Конвенцияга иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

## **21-модда**

### **КОНВЕНЦИЯГА ЎЗГАРТИШЛАР**

1. Ҳар қандай Томон ушбу Конвенцияга ўзгартишлар таклиф қилиши мумкин.
2. Ушбу Конвенцияга ўзгартишлар бўйича таклифлар Томонлар кенгашида кўриб чиқилади.
3. Ушбу Конвенцияга ҳар қандай таклиф қилинаётган ўзгартиш матни ёзма равишда Европа иқтисодий комиссияси Ижрочи котибига тақдим этилади, у бу ҳақда ҳамма Томонларга ўзгартишни қабул қилиш таклиф қилинадиган кенгашдан, лоқал, тўқсон кун олдин хабар беради.
4. Ушбу Конвенцияга ўзгартиш, Томонларнинг кенгашида қатнашаётган ушбу Конвенция Томонларининг вакиллари консенсуси билан қабул қилинади, ва ўзгартишни қабул қилган Конвенция Томонлари учун, қачон шу Томонларнинг учдан икки қисми ўзгартишни қабул қилганлик тўғрисида ҳужжатларини Депозитарийга сақлашга топширган санадан кейин тўқсонинчи куни кучга киради. Ўзгартиш ҳар қандай бошқа Томон учун шу Томон ўзгартишни қабул қилганлик тўғрисида ҳужжатини сақлашга топширган санадан кейин тўқсонинчи куни кучга киради.

**22-модда****НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

1. Агар икки ёки ундан ортиқ Томонлар ўртасида ушбу Конвенцияни талқини ёки қўлланишига оид низо юзага келса, улар ечимни музокаралар ёки низо Томонлари учун мақбул ҳар қандай бошқа воситалар орқали излайди.

2. Ушбу Конвенцияни имзолаш, ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки унга қўшилишда, ёки кейин ҳар қандай вақтда, шу модданинг 1-бандига мувофиқ ҳал қилинмаган низо бўйича, Томон ёзма равишда Депозитарийга ўз зиммасига худди шундай мажбурият олган ҳар қандай Томонга нисбатан мажбурий қуйидаги низоларни ечиш воситаларидан бирини ёки иккаласини қўллашни эълон қилиши мумкин:

(а) низони Халқаро Судга топшириш;

(б) IV иловада баён қилинган таомилга мувофиқ арбитраж.

3. Агар низода Томонлари шу модданинг 2-бандида эслатиб ўтилган низони ечишни иккала усулини қабул қилса, низо фақат Халқаро Судга топширилиши мумкин, агар Томонлар бошқача келишмаган бўлса.

**23-модда****ИМЗОЛАШ**

Ушбу Конвенция Хельсинкида 1992 йил 17-18 мартда, ундан кейин 1992 йил 18 сентябрьгача, шу кунни ҳам кўшиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги Марказий муассасаларида, Европа иқтисодий комиссиясига аъзо давлатлар, Европа иқтисодий комиссиясида Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг 1947 йил 28 март 36 (IV) резолюциясининг 8-бандига мувофиқ консультатив мақомига эга бўлган давлатлар, шунингдек, ушбу Конвенция билан тартибга солинадиган масалалар бўйича, жумладан, шу масалаларга оид шартномаларга қўшилиш ваколатини берган суверен давлатлар – Европа иқтисодий комиссияси аъзолари ташкил этган иқтисодий интеграция минтақавий ташкилотлар имзолаш учун очиқ.

## **24-модда**

### **ДЕПОЗИТАРИЙ**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушбу Конвенциянинг депозитарийи ҳисобланади.

## **25-модда**

### **РАТИФИКАЦИЯ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ТАСДИҚЛАШ ВА ҚЎШИЛИШ**

1. Ушбу Конвенцияни имзолаган давлатлар ва иқтисодий интеграция минтақавий ташкилотлар Конвенцияни ратификациялаши, қабул қилиши ёки тасдиқлаши керак.
2. Ушбу Конвенция 23-моддада эслатиб ўтилган давлатлар ва ташкилотларга қўшилиши учун очиқ.
3. 23-моддада эслатиб ўтилган ҳар қандай ташкилот, унинг ҳеч бир аъзо давлатисиз ушбу Конвенциянинг Томони бўлаётганда, ушбу Конвенцияда кўзда тутилган барча мажбуриятлар билан боғлиқ бўлади. Бундай ташкилотлар ҳолида, қачон бир ёки бир нечта аъзо давлатлари ушбу Конвенциянинг Томони бўлса, ташкилот ва унинг аъзо давлатлари тегишли вазифалари бўйича ушбу Конвенция бўйича мажбуриятларини бажариш учун қарор қабул қилади. Бундай ҳолларда ташкилот ва аъзо давлатлар ушбу Конвенция бўйича ҳуқуқларни бир вақтда амалга ошириши мумкин эмас.
4. 23-моддада эслатиб ўтилган иқтисодий интеграция минтақавий ташкилотлари ўзларининг ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисида ҳужжатларида ушбу Конвенция тартибга соладиган масалаларга оид уларни ваколати чегаралари тўғрисида эълон қилади, бу ташкилотлар, шунингдек, Депозитарийни ўларнинг ваколати чегаралари ҳар қандай жиддий ўзгаришлари тўғрисида хабардор қилади.

## **26-модда**

### **КУЧГА КИРИШ**

1. Ушбу Конвенцияни ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ўн олтинчи ҳужжатни сақлаш учун топширилгандан кейин тўқсонинчи куни кучга киради.

2. Шу модданинг 1-банди мақсадлари учун, иқтисодий интеграция минтақавий ташкилоти сақлаш учун топширган ҳар қандай ҳужжат бундай ташкилотга аъзо давлатлар сақлаш учун топширган ҳужжатларга қўшимча ҳужжат сифатида ҳисобланмайди.

3. Ушбу Конвенцияни ратификациялагани, қабул қилгани, уни тасдиқлагани ёки унга қўшилгани тўғрисида ўн олтинчи ҳужжатни сақлаш учун топширилгандан кейин, 23-моддада эслатиб ўтилган ушбу Конвенцияни ратификациялаган, қабул қилган ёки уни тасдиқлаган ҳар бир давлат ёки ташкилот учун бундай давлат ёки ташкилот ратификациялагани, қабул қилгани, тасдиқлагани ёки қўшилгани тўғрисида ҳужжатини сақлаш учун топширган санадан кейин тўқсонинчи куни кучга киради.

## **27-модда**

### **ЧИҚИШ**

Ҳар бир Томон учун ушбу Конвенция кучга кирган санадан кейин уч йил ўтгач, шу Томон ҳар қандай вақтда Депозитарийга ёзма хабарнома жўнатиш орқали Конвенциядан чиқиши мумкин. Ҳар қандай бундай чиқиш Депозитарий бу ҳақда хабарнома олган санадан кейин тўқсонинчи куни кучга киради.

## **28-модда**

### **АУТЕНТИК МАТНЛАР**

Инглиз, рус ва французча матнлари тенг аутентик бўлган ушбу Конвенциянинг асл нусхаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлашга топширилади

БУНИ ГУВОҲЛАШ УЧУН, шунга керакли тарзда ваколатланган, қуйида имзо чекканлар ушбу Конвенцияни имзолади.

Бир минг тўққиз юз тўқсон иккинчи йил ўн еттинчи мартда Хельсинкида  
АМАЛГА ОШИРИЛДИ

## I ИЛОВА

### “ЭНГ ЯХШИ МАВЖУД ТЕХНОЛОГИЯ” ТУШУНЧАСИНИНГ ТАЪРИФИ

1. “Энг яхши мавжуд технология” тушунчаси ташлашлар ва чиқиндиларни чегаралашда махсус чора сифатида амалий яроқлилигини кўрсатган жараёнлар, воситалар ёки ишлатиш услублари соҳасида сўнгги босқичини англатади. Жараёнлар, воситалар ёки ишлатиш услублари умуман ёки алоҳида ҳолларда энг яхши мавжуд технология эканлигини аниқлашда қуйидагиларни алоҳида назарда тутиш керак:

- (a) Охирги вақтда муваффақиятли синалган таққосий жараёнлар, мосламалар ёки ишлатиш услублари;
- (b) Илмий билимларда ва уларни тушунишда технологик ютуқлар ва ўзгаришлар;
- (c) Шундай технологияни иқтисодий нуқтаи назардан қўллаш мумкинлиги;
- (d) Янги ҳамда мавжуд корхоналарда ўрнатиш учун муддати;
- (e) Тегишли ташлашлар ва оқиндиларни табиати ва ҳажми;
- (f) Камчиқинди ва чиқиндисиз технология.

2. Бундан муайян жараён учун “энг яхши мавжуд технология” ўзгариши келиб чиқади, вақт ўтиши билан, технологик ютуқлар, иқтисодий ва ижтимоий омиллар туфайли, илмий билимларда ва тушунишда ўзгаришлар туфайли каби.

## II ИЛОВА

### АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ЭНГ ЯХШИ АМАЛИЁТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН РАҲБАРИЙ ТАМОЙИЛЛАР

1. Муайян ҳолларда атроф-муҳит муҳофазаси энг яхши амалиёти бўладиган энг мос бирикмасини танлашда чораларни қуйидаги босқичма-босқичли кўлами кўриб чиқилади:

(a) Жамоатчиликка ва фойдаланувчиларга муайян фаолият ёки маҳсулот танлаш, ундан фойдаланиш ва уни якуний утилизация қилишни атроф-муҳит учун оқибатлари тўғрисида ахборот ва таълим тақдим этиш;

(b) Маҳсулотни ҳаёт даврини барча жиҳатларини қамраб олувчи атроф-муҳит муҳофазаси яхши амалиёти кодексини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

(c) Фойдаланувчиларни маҳсулот, ундан фойдаланиши ва уни якуний утилизацияси билан боғлиқ атроф-муҳит учун хатарлар тўғрисида ахборот берувчи маркалаш;

(d) Жамоатчиликка мавжуд бўлган йиғиш ва утилизациялаш тизимлари;

(e) Қайта ишлаш, қайта тиклаш ва қайта фойдаланиш;

(f) Фаолиятга, маҳсулотларга ёки маҳсулотлар гуруҳига нисбатан иктисодий воситаларни қўллаш;

(g) Қатор чекловлар ёки тақиқлашни ўз ичига олувчи лицензиялаш тизими.

2. Чораларни қандай бирикмаси, умуман ёки айрим ҳолларда, атроф-муҳит муҳофазаси энг яхши амалиётлари эканини аниқлашда, қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

(a) Атроф-муҳит учун ҳавфлиликка:

(i) Маҳсулотни;

(ii) Маҳсулотни ишлаб чиқаришни;

(iii) Маҳсулотдан фойдаланишни;

(iv) Маҳсулотни сўнги утилизациялашини;

(b) Камроқ ифлослантирувчи жараёнлар ёки моддалар билан алмаштиришга;

(c) Фойдаланиш кўламига;

(d) Атроф-муҳит учун муқобил материаллар ёки фаолиятнинг потенциал афзалликлари ёки камчиликлари;

(e) Илмий билимларда ва тушунишда тараққиёт ва ўзгаришлар;

(f) Амалга ошириш муддатларига;

(g) Ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларига.

3. Бундан, муайян манба учун атроф-муҳит муҳофазаси энг яхши амалиётлари ўзгариши келиб чиқади, вақт ўтиши билан, технологик ютуқлар, иқтисодий ва ижтимоий омилар туфайли, илмий билимларда ва тушунишда ўзгаришлар туфайли каби.

**III ИЛОВА**  
**СУВ СИФАТИ МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА**  
**МЕЗОНЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН РАЎБАРИЙ**  
**ТАМОЙИЛЛАР**

Сув сифати мақсадли кўрсаткичлари ва мезонлари:

- (a) Сувни мавжуд сифатини сақлаб туриш ва, қаерда зарур бўлса, яхшилаш мақсадини ҳисобга олади;
- (b) Ифлосланишни ўртача юқини (айниқса, хавфли моддалар билан) муайян даражага муайян вақт даври ичида қисқартириш мақсадига эришишга қаратилади;
- (c) Сув сифатига (ичиш учун, суғориш учун хом сув ва ҳ.к.) нисбатан аниқ талабларни ҳисобга олади;
- (d) Сезувчан ва алоҳида муҳофаза қилинадиган сувлар ва уларнинг атроф-муҳитига, масалан, кўлларга ва ер ости сувлари ресурсларига нисбатан ўзига хос талабларни ҳисобга олади;
- (e) Сувни сифатини сақлаш ва яхшилашни таъминлашнинг ўрта муддатли ва узок муддатли таҳлили учун экологик тасниф услубларини ва кимёвий кўрсаткичларни қўллашга асосланади;
- (f) Мақсадлар қайси даражада эришилгани ва, айрим ҳолларда, талаб қилиниши мумкин бўлган ташлашлар лимитларига асосланган қўшимча ҳимоя чораларни ҳисобга олади.

## IV ИЛОВА АРБИТРАЖ

1. Низо, ушбу Конвенциянинг 22-моддаси 2-бандига мувофиқ, арбитражга берилган ҳолда, Томон ёки Томонлар котибиятга арбитраж мавзуси тўғрисида хабар қилади ва, хусусан, ушбу Конвенциянинг қайси моддаси талқини ёки қўлланиши низони мавзуси бўлганини кўрсатади. Котибият олинган ахборотни ушбу Конвенциянинг барча Томонларига юборади.
2. Арбитраж суди уч аъзодан иборат бўлади. Низони даъвогар Томони ёки даъвогар Томонлари, низони бошқа Томони ёки бошқа Томонлари, биттадан арбитр тайинлайди, ва тайинланган икки арбитр, умумий розилиги бўйича, учинчи арбитрни тайинлайди, у арбитраж суди раиси бўлади. Охиргиси низо Томонининг фуқароси бўлиши ёки унинг одатий турар жойи шу Томонларнинг бирини худуди бўлиши, ёки уларнинг ҳар қайсиси томонидан ёлланган бўлиши ёки бирор бошқа сифатда бу низога муносабати бўлиши мумкин эмас.
3. Агар иккинчи арбитр тайинлангандан кейин икки ой ичида арбитраж суди раиси тайинланмаса, раисни, низони ҳар қандай Томони сўровига кўра, Европа иқтисодий комиссияси Ижрочи котиби кейинги икки ой давр ичида тайинлайди.
4. Агар низо Томонларидан бири сўровни олганидан сўнг икки ой давомида арбитрни тайинламаса, бошқа Томон бу ҳақда Европа иқтисодий комиссияси Ижрочи котибини хабардор қилиши мумкин, у арбитраж суди раисини кейинги икки ой ичида тайинлайди. Арбитраж суди, раиси тайинлангандан сўнг, хали арбитрни тайинламаган Томонни буни икки ой ичида қилишни сўрайди. Агар у буни шу давр ичида қилмаса, раис бу ҳақда Европа иқтисодий комиссияси Ижрочи котибини хабардор қилади, у шу тайинлашни кейинги икки ой даврида амалга оширади.
5. Арбитраж суди қарорини халқаро ҳуқуқ ва ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ чиқаради.
6. Шу иловани қоидаларига мувофиқ таъсис этилган ҳар қандай арбитраж суди ўзини таомил қоидаларини ишлаб чиқади.
7. Таомил бўйича ҳам, моҳият масалалари бўйича ҳам арбитраж суди қарорлари, уни аъзоларининг овозлари кўпчилиги билан қабул қилинади.
8. Суд далилларни аниқлаш учун барча керакли чораларни кўриши мумкин.

9. НизоТомонлари арбитраж судининг ишига ёрдамлашади ва уларни ихтиёридаги барча воситалардан фойдаланган ҳолда, хусусан:

(a) Уни барча тегишли ҳужжатлар, воситалар ва ахборот билан таъминлайди;

(b) Қаерда зарур бўлса, унга гувоҳлар ёки экспертларни чақиришга ва уларнинг кўрсатмаларини олишга руҳсат этади.

10. Томонлар ва арбитрлар арбитраж судида кўриб чиқиш давомида махфий равишда олинadиган ҳар қандай ахборотни махфийлигини ҳимоя қилади.

11. Арбитраж суди, Томонларнинг бирини сўрови бўйича, вақтинчалик ҳимоя чораларини тавсия қилиши мумкин.

12. Агар низо Томонларининг бири арбитраж судига келмаса ёки ўз ишини ҳимоя қилишга қодир бўлмаса, бошқа Томон суддан ишни кўриб чиқишни давом этишни ва ҳал қилув қарорни чиқаришни илтимос қилиши мумкин. Томонни йўқлиги, ёки Томонни ўз ишини ҳимоя қилишдан воз кечиши, ишни кўриб чиқишига тўсиқ бўла олмайди.

13. Арбитраж трибунал бевосита низо моҳиятидан келиб чиқадиган қарши даъволарни эшитиши ва улар юзасидан қарорлар чиқариши мумкин.

14. Агар арбитраж суди, ишнинг алоҳида ҳоллари муносабати билан, бошқача қарор қилмаса, суд харажатларини, жумладан, уни аъзоларини мукофотлашни, низо Томонлари тенг улушда кўтарадилар. Суд ўзининг барча харажатларини рўйхатини олиб боради ва улар ҳақида Томонларга яқуний ҳисобот тақдим этади.

15. Ушбу Конвенциянинг ҳар қандай Томони низо мавзусида ҳуқуқий табиатли манфаати бор бўлса ва бу иш бўйича қарор унга дахлдор бўлиши мумкин бўлса, суд розилиги билан ишни кўриб чиқишда қатнашиши мумкин.

16. Арбитраж суди қарорини таъсис этилган санадан кейин беш ой давомида чиқаради, агар у бу муддатни беш ойдан ошмайдиган даврга узайтиришни зарур деб ҳисобламаса.

17. Арбитраж суди қарори сабаблар баёни билан берилади, ҳал қилувчи ва низо Томонлари барчасига мажбурий бўлади. Арбитраж суди қарорини низо Томонлари ва котибиятга етказилади. Котибият олинган ахборотни ушбу Конвенциянинг барча Томонларига юборади.

18. Суд қарорини талқинига ёки бажаришига оид содир бўлиши мумкин бўлган Томонлар ўртасидаги ҳар қандай низони ҳар қандай Томон қарор чиқарган арбитраж судига, ёки, агар у бунинг учун фойдаланиши мумкин бўлмаса, биринчиси каби шу мақсадда ва шу тарзда таъсис этиладиган бошқа судга бериши мумкин.

**Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро  
кўллари муҳофаза қилиш ва улардан  
фойдаланиш тўғрисида Конвенциянинг  
25 ва 26 моддаларига ўзгартиш**

**Европа Иқтисодий Комиссияси**

**Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза  
қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Конвенция  
Томонлари Кенгаши**

1. 2003 йил 28 ноябрда Швейцария ҳукуматининг 2003 йил 20 августдаги таклифига кўра, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида Конвенциясининг Томонлари, Конвенциянинг 25 ва 26 моддаларига III/1 қарор қабул қилиш йули билан ўзгартиш киритдилар (қаранг: МР.ВАТ / 2003/4).
2. Ушбу Қарор, шу жумладан, ўзгартиш матни, қуйидаги иловада келтирилган.

**ИЛОВА**  
**ҚАРОР III/1**  
**ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВ ОҚИМЛАРИ ВА ХАЛҚАРО КЎЛЛАРНИ**  
**МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**  
**КОНВЕНЦИЯСИГА ЎЗГАРТИШ**

*Томонлар Кенгаши,*

трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларга ёндош давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда ва сув ресурсларини барқарор бошқаришда ёрдам беришига ва умумий манфаатга хизмат қилишига қатъий ишонч билдирган ҳолда,

дунёда ҳамма дарё хавзалари доирасида ҳамкорликга ёрдам беришни ва дунёнинг бошқа минтақалари билан тажриба алмашишни *истаган ҳолда,*

шунинг учун, БМТ ЕИК минтақасидан ташқарида жойлашган давлатларга Конвенция Томонлари бўлишни тақдим этишни *истаган ҳолда,* бу эса БМТ ЕИК атроф-муҳитни муҳофазалаш бошқа Конвенцияларида аввалдан кўзда тутилган, (масалан, Қарорлар қабул қилиш жараёнида ахборот олиш, жамоатчилик иштироки ва атроф-муҳит масалаларига оид саволларда одил судловдан фойдаланиш тўғрисида Конвенцияда, Атроф муҳитга трансчегаравий контекстда таъсирни баҳолаш тўғрисида Конвенцияда), шунингдек, Саноат аварияларини трансчегаравий сувларга трансчегаравий таъсири етказилган зарарни коплаш ва унинг учун фуқаролик жавобгарлик тўғрисида Протоколига мувофиқ,

1. Конвенцияга қуйидаги ўзгартишлар қабул килади:

(а) 25-моддада, 2-банддан кейин қуйидаги мазмунда янги банд қўшиш:

“3. 2-бандда эслатиб ўтилмаган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси бўлган ҳар қандай бошқа давлат Томонлар Кенгаши розилиги билан Конвенцияга қўшилиши мумкин. Бундай давлат ўзининг қўшилиш тўғрисида хужжатида, унинг Конвенцияга қўшилишига розилик Томонлар Кенгашидан олинганлиги кўрсатиб ўтилган баёнотни тақдим этади ва розилик олинган санани кўрсатади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари томонидан қўшилиш тўғрисида ҳар қандай розиликни Томонлар Кенгашидан олиш масаласига оид илтимос, ушбу банд, 2003 йил 28 ноябр ҳолатига кўра, Конвенция иштирокчиси бўлган барча давлатлар ва ташкилотлари учун кучга кирмагунича Конвенция Томонлари томонидан кўриб чиқилмайди».

ва, мос равишда, қолган бандларни нумерациясини узгартириш:

б) 26-модда 3-бандида,»23-моддасида эслатиб ўтилган» деган сўзлардан кейин “ёки 25-модданинг 3-бандига» сўзларни қўшиш;

2. Конвенция Томонларини ушбу ўзгартишни қабул қилиш тўғрисида ҳужжатларини имкон қадар тезроқ сақлашга топширишга чақиради;

3. Конвенцияни ратификациялайдиган, қабул қиладиган ёки тасдиқлайдиган ҳар қандай давлатни ёки ташкилотни бир вақтда юқорида эслатиб ўтилган ўзгартишни ратификациялаш, қабул қилиш ёки тасдиқлашга қатъий чақиради;

4. БМТ ЕИК минтақасидан ташқарида жойлашган, хусусан, унинг билан чегарадош давлатларни Конвенцияга қўшилишга чақиради ва шу мақсадда Томонлар Кенгаши розилигини сўрайди;

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари қизиққан давлатларини, Томонлар Кенгашларида кузатувчи сифатида қатнашиш ва Конвенциянинг иш дастури доираси фаолиятида иштирок этишга таклиф этади;

6. БМТ ЕИК билан чегарадош давлатлар билан ҳозирча техник ҳамкорликни амалга оширмаган, БМТ ЕИК аъзолари – соҳилбўйи давлатлари билан икки томонлама ёки кўп томонлама битимлар тузмаган давлатларга буни Конвенцияни II қисми қоидаларига мувофиқ кечиктирмасдан амалга оширишни таклиф этади.

## Халқаро сув оқимларидан кема қатновидан ташқари турларида фойдаланиш тўғрисида Конвенция

Нью-Йорк, 21 май 1997

Ушбу Конвенция Томонлари,

Дунёнинг кўплаб минтақаларида халқаро сув оқимлари ва улардан кема қатновидан ташқари турларида фойдаланишни муҳимлигини *англаган ҳолда,*

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомини 13-моддаси 1 (а)–банди халқаро ҳуқуқни прогрессив ривожланиш ва унинг кодификация қилишини рағбатлантириш мақсадларида Бош Ассамблея тадқиқотлар ташкил этиши ва тавсиялар беришини кўзда тутганини *ҳисобга олган ҳолда,* Халқаро сув оқимларидан кема қатновидан ташқари турларида фойдаланишга оид халқаро ҳуқуқ нормаларини муваффақиятли кодификация қилиш ва прогрессив ривожлантириш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомини 1- ва 2- моддаларида ифодаланган мақсадлар ва тамойилларни олға суришга ва амалга оширишга ёрдамлашишини *ҳисобга олган ҳолда,*

Кўплаб халқаро сув оқимларига алоқадор муаммоларни *эътиборга олган ҳолда,* улар орасида, истеъмол ва ифлосланиш ошаётгани натижасида,

Доиравий конвенция халқаро сув оқимларидан фойдаланиш, уларни ривожлантириш, сақлаш, бошқариш ва ҳимоялашни таъминлашига ва улардан ҳозирги ва келажак авлодлар оптимал ва барқарор фойдаланишига ёрдамлашишга *ишонч билдирган ҳолда,*

Бу соҳада халқаро ҳамкорлик ва эзгу кўшничиликни муҳимлигини *таъкидлаган ҳолда,*

Ривожланаётган мамлакатларнинг алоҳида аҳволи ва эҳтиёжларини *англаган ҳолда,*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1992 йилда Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияси қабул қилган Рио-де-Жанейро Декларациясида ва XXI аср Кун тартибидаги тамойиллар ва тавсияларга *ҳавола қилган ҳолда,*

Халқаро сув оқимларидан кема қатновидан ташқари турларида фойдаланишига оид мавжуд икки-томонлама ва кўп-томонлама битимларга ҳавола қилган ҳолда,

Бу соҳада халқаро ҳуқуқни кодификация қилиш ва прогрессив ривожлантиришига ҳукумат ва ноҳукумат халқаро ташкилотлари қимматли ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда,

Халқаро сув оқимларидан кема қатновидан ташқари турларида фойдаланиш ҳуқуқи бўйича Халқаро ҳуқуқ комиссияси ишини юқори баҳолаган ҳолда,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1994 йил 9 декабрдаги 49/52 қарорини эътиборга олган ҳолда,

*Қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:*

## **I ҚИСМ**

### **КИРИШ**

#### **1-модда**

### **УШБУ КОНВЕНЦИЯНИ КЎЛЛАНИШ СОҲАСИ**

1. Ушбу Конвенция халқаро сув оқимлари ва уларни сувларидан кема қатновидан ташқари мақсадларда фойдаланиш турларига ва шу сув оқимлари ва уларни сувларидан шундай турларида фойдаланишга оид ҳимоя қилиш, сақлаш ва бошқариш чораларига кўлланилади.

2. Халқаро сув оқимларидан кема қатнови учун фойдаланиш ушбу Конвенцияни кўлланиш соҳасига кирмайди, бундан, фойдаланиш бошқа турлари кема қатновига таъсир кўрсатадиган ёки кема қатнови таъсирига учрайдиган ҳоллар, мустасно.

#### **2-модда**

### **ТУШУНЧАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун:

(а) “Сув оқими” – уларни жисмоний ўзаро боғлиқлиги сабабли яхлит бирлик ва одатда охири умумий бўлган ер-усти ва ер-ости сувлари тизимини англатади;

(b) “Халқаро сув оқими” – қисмлари бошқа-бошқа давлатларда бўлган сув оқимини англатади;

(c) “Сув оқими давлати” – ҳудудида халқаро сув оқимининг қисми жойлашган давлатни – ушбу Конвенция Томонини, ёки бир ёки ундан кўп аъзо давлатлар ҳудудида халқаро сув оқимининг қисми жойлашган иқтисодий интеграция минтақавий ташкилот бўлган Томонни англатади;

(d) “Иқтисодий интеграция минтақавий ташкилоти” – муайян минтақанинг суверен давлатлари ташкил этган ташкилотни, унга аъзо давлатлар ушбу Конвенция тартибга соладиган масалаларга оид ваколатини берганини ва у уни имзолаш, ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки унга қўшилишга, унинг ички таомилларига мувофиқ, керакли тарзда ваколатланганини англатади.

### 3-модда

## СУВ ОҚИМИ ТЎҒРИСИДА БИТИМЛАР

1. Аксинча тўғрисида битим йўқлигида, ушбу Конвенцияда ҳеч нарса сув оқими давлати учун ушбу Конвенция Томони бўлган санага қадар амалдаги битимлардан унинг учун келиб чиқадиган ҳуқуқлари ёки мажбуриятларига таъсир қилмайди.

2. 1-банднинг қоидаларидан қатъиназар, 1-бандда эслатилган битимлар Томонлари, агар зарур бўлса, бундай битимларни ушбу Конвенцияни асосий тамойиллари билан уйғунлаштиришни кўриб чиқиши мумкин.

3. Сув оқими давлатлари муайян халқаро сув оқими ёки уни қисмидан фойдаланиш турларига ва уларнинг хусусиятларига ушбу Конвенция қоидаларини қўллаган ва мослаган бир ёки ундан кўп битимларга кириши мумкин, бу битимлар қуйида “сув оқими тўғрисида битимлар” деб аталади.

4. Агар сув оқими тўғрисида битим икки ёки ундан кўп сув оқими давлатлари ўртасида тузилаётса, у қайси сувларга қўлланишини аниқлаши керак. Бундай битим бутун халқаро сув оқими ёки унинг ҳар қандай қисмига, ёки муайян лойиҳа дастури ёки фойдаланиш турига нисбатан бўлиши мумкин, бундан, битим бир ёки ундан кўп бошқа давлатлар сув оқими сувларидан фойдаланишига уларни яққол билдирилган розилигисиз жиддий даражада салбий таъсир бўладиган ҳоллар, мустасно.

5. Агар сув оқими давлати ушбу Конвенция қоидаларини муайян халқаро сув оқими хусусиятлари ва ундан фойдаланиш турлари туфайли мослаш ва қўллаш зарур деб ҳисобласа, сув оқими давлатлари, эзгу ирода руҳида,

музокараларни назарда тутиб, сув оқими тўғрисида битим ёки битимлар тузиш мақсадида маслаҳатлашади.

6. Агар сув оқими давлатлари барчаси эмас, лекин баъзилари муайян халқаро сув оқими бўйича битим Томонлари бўлса, бундай битимда ҳеч нарса бундай битим Томони бўлмаган сув оқими давлатларини ушбу Конвенция бўйича ҳуқуқлари ёки мажбуриятларига таъсир қилмайди.

#### **4-модда**

### **СУВ ОҚИМИ ТЎҒРИСИДА БИТИМЛАР ТОМОНЛАРИ**

1. Сув оқими ҳар бир давлати халқаро сув оқимини барчасига қўлланадиган сув оқими тўғрисида ҳар қандай битим бўйича музокараларда қатнашиш ва унинг Томони бўлиш ҳуқуқига эга, ҳар қандай тегишли маслаҳатларда қатнашиш каби.

2. Сув оқими давлати, уни халқаро сув оқимидан фойдаланиши таклиф этилаётган битим амалга оширилиши фақат сув оқими қисмига ёки муайян лойиҳага, дастурга ёки фойдаланишга қўлланилиши билан жиддий таъсирга учрайдиган бўлса, битим бўйича, эзгу ирода руҳида маслаҳатларда ва, зарур бўлса, музокараларда қатнашиш ҳуқуқига эга, битим Томони бўлиш мақсадида, унинг фойдаланишига тенг таъсири даражасида.

## **II ҚИСМ**

### **УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР**

#### **5-модда**

### **АДОЛАТЛИ ВА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА ИШТИРОК**

1. Сув оқими давлатлари уларнинг тегишли ҳудудларида халқаро сув оқимидан адолатли ва оқилон тарзда фойдаланади. Хусусан, сув оқими давлатлари, сув оқими тегишли давлатлар манфаатларини ҳисобга олиб ва сув оқимини етарлича ҳимоя қилган ҳолда, халқаро сув оқимини оптимал ва барқарор фойдаланишига эришиш ва шу билан боғлиқ нафни олиш мақсадида ривожлантиради.

2. Сув оқими давлатлари халқаро сув оқимидан фойдаланишда, уни ривожлантиришда ва ҳимоя қилишда адолатли ва оқилона тарзда иштирок этади. Бундай иштирок, ушбу Конвенцияда кўзда тутилганидек, сув оқимидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам, сув оқимини ҳимоялаш ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини ҳам ўз ичига олади.

## 6-модда

### АДОЛАТЛИ ВА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ОМИЛЛАР

1. Халқаро сув оқимидан адолатли ва оқилона фойдаланиш, 5-модда маъносига кўра, барча тегишли омиллар ва ҳолларни ҳисобга олишни талаб қилади, жумладан:

(a) Географик, гидрографик, гидрологик, иқлимий, экологик ва бошқа табиий хусусиятга эга омиллар;

(b) Сув оқими тегишли давлатларининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари;

(c) Сув оқими ҳар бир давлатида аҳолини сув оқимига боғлиқлиги (қарамлиги);

(d) Бир давлатда сув оқимидан фойдаланиш бир тури ёки бир нечта турларини сув оқими бошқа давлатларига таъсири;

(e) Сув оқимидан фойдаланишни мавжуд ва потенциал турлари;

(f) Сув оқими сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш ва уларни сақлаш, ҳимоялаш, ривожлантириш ва бунинг учун чоралар қабул қилиш харажатлари;

(g) Муайян режалаштирилган ёки мавжуд фойдаланиш турини солиштириладиган қийматга эга бўлган муқобиллари борлиги.

2. 5-моддани ёки шу модданинг 1-банди қўлланишида, сув оқими тегишли давлатлари, қачон зарурат туғилганда, ҳамкорлик руҳида маслаҳатлар ўтказишади.

3. Ҳар бир омилга бериладиган салмоқ уни муҳимлиги ва бошқа тегишли омиллар билан қиёсда аниқланади. Нима оқилона ва адолатли фойдаланиш эканини аниқлашда барча тегишли омиллар биргаликда кўриб чиқишади ва ҳулоса улар асосида умуман чиқаришади.

**7-модда****ЖИДДИЙ ЗАРАР ЕТКАЗМАСЛИК МАЖБУРИЯТИ**

1. Сув оқими давлатлари, ҳудудларида халқаро сув оқимидан фойдаланаётганда, сув оқими бошқа давлатларига жиддий зарар етказилишни олдини олиш учун барча тегишли чоралар кўради.
2. Лекин, агар сув оқими бошқа давлатига жиддий зарар етказилаётса, фойдаланиши билан бундай зарар етказаётган давлат, бундай фойдаланиш тўғрисида битим йўқлигида, 5- ва 6- моддалар қоидаларини кераклича ҳисобга олиб, жабрланган давлат билан маслаҳатлашган ҳолда, бундай зарарни бартараф этиш ёки камайтириш учун ва, қаерда ўринли бўлса, компенсация масаласини муҳокама қилиш учун барча тегишли чоралар кўради.

**8-модда****ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УМУМИЙ МАЖБУРИЯТИ**

1. Сув оқими давлатлари суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, ўзаро манфаат ва эзгу ирода асосида халқаро сув оқимни оптимал фойдаланишига ва етарлича ҳимоялашга эришиш учун ҳамкорлик қилади.
2. Бундай ҳамкорлик шакллари аниқлашда, сув оқими давлатлари, буни зарур деб ҳисобласа, тегишли чоралар ва тамойилларга оид ҳамкорликни осонлаштириш учун, турли минтақаларда мавжуд биргалик механизмлар ва комиссияларда ҳамкорлик орқали тўпланган тажрибаси нуқтаи назаридан, биргалик механизмлар ёки комиссияларни таъсис этишни кўриб чиқиши мумкин.

**9-модда****МАЪЛУМОТЛАР ВА АХБОРОТ БИЛАН МУНТАЗАМ АЛМАШИШ**

1. 8-моддага мувофиқ, сув оқими давлатлари мунтазам асосда сув оқимининг ҳолати тўғрисида умум-мавжуд, хусусан, гидрологик, метеорологик, гидрегеологик ва экологик хусусиятга эга бўлган ва сув сифатига оид маълумотлар ва ахборот билан, ва, шунингдек, тегишли башоратлар билан алмашади.

2. Агар сув оқими давлати умум-мавжуд эмас маълумотлар ва ахборотни сув оқими бошқа давлатидан тақдим этиш сўраса, у илтимосни бажариш учун барча сайъи-ҳаракатлар қилади, бироқ, уни бажаришни, бундай маълумотлар ва ахборотни йиғиш ва, қаерда зарурат бўлса, уларни ишлови учун оқилона чиқимларини тўлашини сўраган давлатга қўйиши мумкин.

3. Маълумотлар ва ахборотни йиғиш учун ва, зарурат бўлса, уларга ишлов беришда уларни сув оқими бошқа давлатлари фойдаланишини енгиллаштирадиган шаклда тақдим этиш учун барча сайъи-ҳаракатларини солади.

### **10-модда**

## **Фойдаланишни ҳар хил турлари орасида ўзаро боғлиқлик**

1. Бошқача битим ёки бошқача одат йўқлигида, халқаро сув оқимидан фойдаланишни ҳеч қандай тури фойдаланиш бошқа турлари олдида шубҳасиз устуворликка эга эмас.

2. Халқаро сув оқимидан фойдаланиш турлари ўртасида зиддиятлик бор ҳолда, у 5-7 моддалар ҳисобга олиб ҳал қилинади, энг зарур инсоний эҳтиёжларни алоҳида ҳисобга олиб.

### **III ҚИСМ**

## **РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР**

### **11-модда**

## **РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАРГА ДОИР АХБОРОТ**

Сув оқими давлатлари режалаштирилаётган чораларни халқаро сув оқими ҳолатига мумкин бўлган таъсири тўғрисида бир-бирлари билан ахборот алмашади ва маслаҳатлашади ва, зарур бўлса, музокаралар бошлайди.

**12-модда****МУМКИН БЎЛГАН САЛБИЙ ТАЪСИРЛИ  
РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАРГА ДОИР ХАБАР**

Сув оқими давлати, сув оқими бошқа давлатларига жиддий салбий таъсири мумкин бўлган режалаштирилган чораларни амалга оширишдан ёки амалга оширишга рухсат беришдан олдин, шу давлатларга бу ҳақда ўз вақтида хабар беради. Бундай хабар мавжуд техник маълумотлар ва ахборот, жумладан, режалаштирилаётган чораларни мумкин бўлган таъсирини хабардор қилинаётган давлатлар баҳолаши мумкинлиги учун, атроф-муҳитга таъсирларни ҳар қандай баҳолаш натижалари билан юборилади.

**13-модда****ХАБАРГА ЖАВОБ УЧУН МУДДАТ**

Агар бошқача келишилган бўлмаса:

(а) 12-моддага мувофиқ хабар юбораётган сув оқими давлати, режалаштирилган чораларни ўрганиш ва мумкин бўлган таъсирларни баҳолаш ва хулосаларидан хабардор қилиш учун, хабардор қилинаётган давлатларга олти ой муддат тақдим этади.

(б) Бу муддат, хабардор қилинаётган давлат илтимосига кўра, унга режалаштирилган чораларни баҳолаш алоҳида қийинчилик туғдираётса, олти ой муддатга чўзилади.

**14-модда****ХАБАР БЕРАЁТГАН ДАВЛАТНИ ЖАВОБ УЧУН МУДДАТ  
ДАВОМИДА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

13-моддада кўрсатилган муддат давомида хабар бераётган давлат:

(а) Хабардор қилинаётган давлатлар билан ҳамкорлик қилади, уларга, сўровга кўра, аниқ баҳолаш учун мавжуд ва зарур бўлган ҳар қандай қўшимча маълумотлар ва ахборотни тақдим этиш билан; ва

(б) Режалаштирилган чораларни хабардор қилинаётган давлатларнинг розилигисиз амалга оширмайди ва амалга оширишга рухсат бермайди.

**15-модда****ХАБАРГА ЖАВОБ**

Хабардор қилинган давлатлар, 13-моддага мувофиқ қўлланиладиган муддат давомида, хабар берган давлатга хулосаларини, имкон қадар тезроқ маълум қилади. Агар хабардор қилинган давлат режалаштирилган чораларни амалга оширилиши 5- ёки 7- моддалар қоидаларига мос келмайди деб ҳисобласа, у ҳужжатлаштирилган тушунтиришни хулосасига илова қилади, мазкур хулосани сабаблари баёни билан.

**16-модда****ХАБАРГА ЖАВОБ ЙЎҚЛИГИ**

1. Агар хабар берган давлат, 13-моддага мувофиқ қўлланиладиган муддат давомида 15-моддага мувофиқ хабар олмаса, у, 5- ва 7-моддаларга кўра мажбуриятларига риоя қилиб, хабардор қилинган давлатларга тақдим этилган хабарига ва ҳар қандай бошқа маълумотлар ва ахборотга мувофиқ, режалаштирилган чораларни амалга оширишга киришиш мумкин.
2. 13-моддага мувофиқ қўлланиладиган муддат давомида жавоб тақдим этмаган хабардор қилинган давлатнинг бадал тўғрисида ҳар қандай талаби, хабар берган давлат жавоб учун муддати тугагандан сўнг қилган ҳаракатлари харажатларига қўшиши мумкин; бу ҳаракатлар қилинмасди, агар шу муддат давомида хабардор қилинган давлат эътироз билдирганда.

**17-модда****РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАРГА ДОИР МАСЛАҲАТЛАР  
ВА МУЗОКАРАЛАР**

1. Режалаштирилаётган чораларни амалга оширилиши 5- ёки 7-моддалар қоидаларига мос эмаслиги ҳақида 15-моддага мувофиқ хабар қилинса, хабар берган давлат ва хабар қилган давлат, маслаҳатлар ва, агар зарур бўлса, музокараларга киришади, вазиятни адолатли ечимига эришиш мақсадида.

2. Маслаҳатлар ва музокаралар ҳар бир давлат бошқа давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини оқилона даражада ҳисобга олиш кераклиги асосида ва эзгу ирода руҳида ўтказилади.

3. Маслаҳатлар ва музокаралар жараёнида, хабар берган давлат режалаштирилган чораларни амалга оширишдан ёки уларни амалга оширишга рухсат беришдан олти ой муддат давомида ўзини тияди, агар бу ҳақда хабардор қилинган давлат хабар жўнатганда сўраса, агар бошқача келишилмаса.

### **18-модда**

#### **ХАБАР ЙЎҚЛИГИДА ТАОМИЛЛАР**

1. Агар сув оқими давлати унга сув оқими бошқа давлати режалаштирилган чораларидан жиддий салбий таъсир бўлиш мумкин деб ўйлашга оқилона асослари бўлса, биринчи давлат иккинчи давлатдан 12-модда қоидаларини қўллашни сўраши мумкин. Бундай сўровга, уни асослари баёни билан, ҳужжатлаштирилган тушунтириш илова қилинади.

2. Мабодо, чораларни режалаштираётган давлат, шунга қарамай, 12-моддага кўра хабар юбориш мажбурий эмас деб ҳисобласа, у бу ҳақда бошқа давлатга хабар қилади, бундай хулоса учун сабаблари баёни билан ҳужжатлаштирилган тушунтириш тақдим этиб. Агар бу хулоса бошқа давлатни қониқтирмаса, шу икки давлат дарҳол, шу бошқа давлатнинг сўровига кўра, 17-модда 1- ва 2-бандларида кўрсатилган тартибда, маслаҳатлар ва музокаралар бошлашади.

3. Маслаҳатлар ва музокаралар жараёнида чораларни режалаштираётган давлат бу чораларни амалга оширишдан ёки амалга оширишга рухсат беришдан олти ой муддатга ўзини тияди, агар бошқа давлат маслаҳатлар ва музокаралар ташаббуси сўрови билан чиқаётганда буни сўраса, агар бошқача келишилган бўлмаса.

### **19-модда**

#### **РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ЧОРАЛАРНИ КЕЧИКТИРМАЙ АМАЛГА ОШИРИШ**

1. Агар режалаштирилган чораларни амалга ошириш жамоат соғлигини сақлашни ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлиги ёки бошқа уларга тенг муҳим манфаатлар учун амалга ошириши кечиктириб бўлмайдиган хусусиятга эга

бўлса, чораларни режалаштирган давлат бу чораларни дарҳол амалга оширишга киришиш мумкин, 5- ва 7- моддалар қоидаларини ҳисобга олиб, 14-модда ва 17-модда 3-банди қоидаларидан қатъий назар.

2. Бундай ҳолда, 12-моддада эслатилган сув оқими бошқа давлатларига, кечиктирмай, чораларни кечиктириб бўлмаслиги ҳақида расмий декларация юборилади, тегишли маълумотлар ва ахборот билан бирга.

3. Чораларни режалаштираётган давлат, 2-бандда эслатиб ўтилган ҳар қандай давлат сўровига кўра, 17-модда 1- ва 2-бандларида кўрсатилган тартибда, унинг билан тезда маслаҳатлар ва музокаралар киришади.

## **IV ҚИСМ**

### **ҲИМОЯ ҚИЛИШ, САҚЛАШ ВА БОШҚАРИШ**

#### **20-модда**

#### **ЭКОТИЗИМЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА САҚЛАШ**

Сув оқими давлатлари мустақил равишда ва, зарурат бўлса, бирга, халқаро сув оқимларининг экотизимлари ҳимоясини ва сақланишини таъминлайди.

#### **21-модда**

#### **ИФЛОСЛАНИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШ, ҚИСҚАРТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

1. Шу моддани мақсади учун, “халқаро сув оқими ифлосланиши” халқаро сув оқими сувлари таркиби ёки сифати инсон хатти-ҳаракатини бевосита ёки билвосита натижаси бўлган ҳар қандай салбий ўзгаришни англатади.

2. Сув оқими давлатлари мустақил равишда ва, зарурат бўлса, бирга, сув оқими бошқа давлатларига ёки уларнинг атроф-муҳитига, жумладан, жамоат соғлигини сақлаш ҳимояси ёки жамоат хавфсизлигига, сувларни ҳар қандай фойдали мақсадда ишлатишга ёки сув оқими тирик ресурсларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган халқаро сув оқими ифлосланишини олдини олади, қисқартиради ва назорат қилади. Шу борада, сув оқими давлатлари ўз сиёсатларини уйғунлаштиришга интилади.

3. Сув оқими давлатлари, улардан ҳар бирини сўровига кўра, халқаро сув оқими ифлосланишини олдини олиш, қисқартириш ва назорат қилиш учун,

қуйидаги каби чоралар ва усулларни ўзаро келишиш мақсадларида маслаҳатлашади:

- (а) Сув сифати мақсадлари ва мезонларини бирга белгилаш;
- (б) Нуқтали ва нуқтали эмас манбалардан ифлосланишни муаммоларини ечими амалиётлари ва усулларини ишлаб чиқиш;
- (с) Халқаро сув оқими сувларига киритиши таъқиқланиши, чекланиши, ўрганилиши ёки кузатилиши шарт бўлган моддалар рўйхатини тузиш.

## 22-модда

### БЕГОНА ЁКИ ЯНГИ ОРГАНИЗМЛАРНИ КИРИТИЛИШИ

Сув оқими давлатлари халқаро сув оқимига бегона ёки янги организмларни киритилишни олдини олиш учун, улар сув оқими экотизимига салбий таъсир кўрсатиш, сув оқими бошқа давлатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлса, барча зарур чоралар кўради.

## 23-модда

### ДЕНГИЗ МУҲИТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА САҚЛАШ

Сув оқими давлатлари мустақил равишда ва, зарурат бўлса, бошқа давлатлар билан ҳамкорликда, денгиз муҳити, жумладан, эстуарийларни ҳимоя қилиш ва сақлаш учун халқаро сув оқимига оид зарур барча чоралар кўради, умум қабул қилинган халқаро қоидалар ва стандартларни ҳисобга олиб.

## 24-модда

### БОШҚАРИШ

1. Сув оқими давлатлари, улардан ҳар қайсиси сўровига кўра, халқаро сув оқимини бошқаришига оид маслаҳатларга киришади, у ўз ичига бирга бошқариш механизмини таъсис этишни киритиши мумкин.
2. Бу модда мақсадлари учун, “бошқариш” – хусусан, қуйидагиларни англатади:

(а) Халқаро сув оқимини барқарор ривожлантиришни режалаштириш ва қабул қилинган ҳар қандай режаларни амалга оширилишини таъминлаш; ва

(б) Сув оқимидан оқилона ва оптимал фойдаланишига, уни ҳимояси ва назоратига бошқа ёрдам.

## **25-модда**

### **ТАРТИБГА СОЛИШ**

1. Сув оқими давлатлари, каерда ўринли бўлса, халқаро сув оқимини сув оқимини (сув меъёрини) тартибга солиш эҳтиёжларига ёки имкониятларига жавоб бериш учун ҳамкорлик қилади.

2. Бошқача келишилган бўлмаса, шундай тартибга соладиган объектларни қуришда ва тегишли тарзда тутишда ёки харажатларини қоплашда сув оқими давлатлари адолатли асосда иштирок этади, улар қандай келишилган бўлса.

3. Бу модда мақсадлари учун, “тартибга солиш” – халқаро сув оқими (сув меъёрини) ўзгартиш, вариацияси ёки бошқача назорат қилиш учун гидравлик объектларни ёки ҳар қандай бошқа узоқ муддатли чорани кўллашни англатади.

## **26-модда**

### **ИНШООТЛАР**

1. Сув оқими давлатлари ўзларининг тегишли ҳудудларида халқаро сув оқимига қарашли иншоотлар, қурилмалар ва бошқа объектларни тутиш ва ҳимоя қилиш учун ҳамма саъй- ҳаракатларини ишга солади.

2. Сув оқими давлатлари, уларни жиддий салбий таъсирларга дучор бўлиши мумкин деб ўйлашга оқилона асослари бўлган ҳар бирини сўровига кўра, қуйидагиларга нисбатан маслаҳатларга киришади:

(а) Халқаро сув оқимига қарашли иншоотлар, қурилмалар ёки бошқа объектларни хавфсиз ишлатиши ва хавфсиз тутиши; ва

(б) Иншоотлар, қурилмалар ёки бошқа объектларни қасддан қилинадиган ёки бепарво ҳаракатлардан, ёки табиат кучларидан ҳимояси.

## V ҚИСМ

### ХАВФЛИ ҲОЛАТЛАР ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

#### 27-модда

#### ХАВФЛИ ҲОЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЮМШАТИШ

Сув оқими давлатлари мустақил равишда ва, зарурат бўлса, биргаликда, сув оқими бошқа давлатларига халқаро сув оқими билан боғлиқ хавфли бўлиши мумкин бўлган сув тошқини ёки музли ҳолатлар, сув орқали юқадиган касалликлар, лойка ўтириш, эрозия, шўр сув босқини, қурғоқчилик ёки чўлланиш каби табиий сабаблар ёки инсон хатти-ҳаракати натижасида бўладиган ҳолатларни олдини олиш ёки юмшатиш учун барча тегишли чораларни кўради.

#### 28-модда

#### ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

1. Шу модда мақсадларига кўра, “фавқулодда вазият” – сув оқими давлатлари ёки бошқа давлатларга жиддий зарар етказадиган ёки уни муқаррар таҳдидини туғдирадиган тошқинлар, муз очилиши, ўпирилиш ёки зилзилалар каби табиат кучларини, ёки саноат авариялари каби, инсон хатти-ҳаракати натижасида тўсатдан содир бўлган вазиятни англатади.
2. Сув оқими давлати уни ҳудудида содир бўлган ҳар қандай фавқулодда вазиятдан ваколатли халқаро ташкилотларни ва уни таъсирига дучор бўлиши мумкин бўлган бошқа давлатларни кечиктирмасдан ва мавжуд энг тезкор воситалар орқали хабардор қилади.
3. Сув оқими давлати, ҳудудида содир бўлган фавқулодда вазиятни таъсирига дучор бўлиши мумкин бўлган давлатлар ва, қачон зарурат бўлса, ваколатли халқаро ташкилотлар билан ҳамқорликда, дарҳол, фавқулодда вазиятни хавфли таъсирини олдини олиш, юмшатиш ва бартараф этиш мақсадларида, шароитлар талаб қилаётган барча амалий чораларни кўради.
4. Қачон зарур бўлса, сув оқими давлатлари фавқулодда вазиятлар эҳтимолига жавобан фавқулодда вазиятлар ҳоллари режаларини бирга ишлаб чиқади ва, бу ўринли бўлса, фавқулодда вазият таъсирига дучор

бўлиши мумкин бошқа давлатлар ва ваколатли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда.

## **VI ҚИСМ**

### **БОШҚА ҚОИДАЛАР**

#### **29-модда**

### **ХАЛҚАРО СУВ ОҚИМЛАРИ ВА ИНШООТЛАР ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАР ПАЙТИДА**

Халқаро ҳуқуқнинг халқаро ва ноҳалқаро қуролли можароларида қўлланиладиган тамойиллари ва қоидаларига мувофиқ, халқаро сув оқимлари ва тегишли иншоотлар, қурилмалар ва бошқа объектлар ҳимоя остида бўлади, ва улардан шу тамойиллар ва қоидаларни бузган ҳолда фойдаланилмайди.

#### **30-модда**

### **БИЛВОСИТА ТАОМИЛЛАР**

Сув оқими давлатлари ўртасида бевосита алоқалар учун жиддий тўсиқлар бўлган ҳолларда, манфаатдор давлатлар ушбу Конвенцияда кўзда тутилган ҳамкорлик бўйича мажбуриятларини, шу жумладан, маълумотлар ва ахборот алмашишни, хабардор қилишни, алоқани, маслаҳатлар ва музокараларни улар қабул қилган ҳар қандай билвосита таомил орқали бажаради.

#### **31-модда**

### **МИЛЛИЙ МУДОФАА ЁКИ ХАВФСИЗЛИК УЧУН ХАЁТИЙ МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР ВА АХБОРОТ**

Ушбу Конвенцияда ҳеч нарса сув оқими давлати унинг миллий мудофааси ёки хавфсизлиги учун хаётий муҳим маълумотлар ёки ахборотни тақдим этишга мажбур этмайди. Шунга қарамай, бу давлат сув оқими бошқа давлатлари билан бундай вазиятларда имкон қадар кўпроқ ахборот тақдим этиш мақсадида эзгу ирода руҳида ҳамкорлик қилади.

**32-модда****ДИСКРИМИНАЦИЯГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК**

Агар сув оқими тегишли давлатлари бошқача келишилган бўлмаса, халқаро сув оқими билан боғлиқ фаолият натижасида жиддий трансчегаравий зарар кўрган ёки бундай зарарни жиддий тахдиди остида бўлган жисмоний ёки юридик шахсларни манфаатларини ҳимоялаш учун, сув оқими давлати бундай шахсларга фуқаролик, яшаш жойи ёки манзили, ёки зарар кўрган жойи асосида дискриминацияга йўл қўймайди. Дискриминацияга йўл қўймаслик, давлат томонидан, унинг ҳуқуқий тизимига мувофиқ, юридик ёки бошқа таомиллардан фойдаланиш ёки унинг ҳудудида амалга оширилган бундай фаолият етказган жиддий зарарга оид бадал ёки бошқача қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини тақдим этишга тегишли.

**33-модда****НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

1. Икки ёки ундан кўп Томон ўртасида ушбу Конвенция талқинига ёки қўлланишига нисбатан низо чиққан ҳолда, тегишли Томонлар, улар ўртасида қўлланиладиган битим йўқлигида, низони тинч йўл билан ҳал этишга интиладилар, қуйидаги қоидаларга мувофиқ.
2. Агар тегишли Томонлар, улардан бири сўраган музокаралар орқали битимга эриша олмаса, улар биргаликда учинчи Томонни эзгу хизматларига, ёки унга воситачилик ёки яраштириш сўрови билан мурожаат қилиш, ёки, бу ўринли бўлса, улар яратиши мумкин бўлган сув оқими ҳар қандай қўшма институтларидан фойдаланиши, ёки низони арбитражга ёки Халқаро Судга топширишга рози бўлиши мумкин.
3. 10-бандни ҳисобга олиб, агар 2-бандда эслатиб ўтилган музокараларни сўраш вақтидан кейин олти ой ичида тегишли Томонлар низони музокаралар ёки 2-бандда эслатиб ўтилган ҳар қандай бошқа воситалар орқали ҳал этишга қодир бўлмаса, низо, ҳар қандай Томон сўровига кўра, далилларни холис аниқлаш учун топширилади, 4-9-бандларга мувофиқ, агар Томонлар бошқача келишилган бўлмаса.
4. Далилларни аниқлаш бўйича Комиссия тузилади, у ҳар бир тегишли Томон тайинлайдиган биттадан аъзо ва, бундан ташқари, тегишли

Томонларни ҳеч бирини фуқаролигига эга эмас ва тайинланган аъзолар сайлайдиган аъзодан иборат бўлади, у Раис вазифаларини бажаради.

5. Агар Томонлар тайинлаган аъзолар Комиссия тузиш тўғрисида сўровдан кейин уч ой давомида Раис тўғрисида келишишга қодир бўлмаса, ҳар қандай тегишли Томон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибидан, низони бирон бир Томони ёки тегишли сув оқими бирон бир соҳилбўйи давлатини фуқаролигига эга эмас шахсдан раисни тайинлашни сўраши мумкин. Агар Томонлардан бири аъзони, 3-бандга мувофиқ, дастлабки сўровдан кейин уч ой давомида тайинламаса, ҳар қандай бошқа тегишли Томон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибидан низо Томонлари ёки тегишли сув оқими бирон бир соҳилбўйи давлатини фуқаролигига эга эмас шахсни тайинлашни сўраши мумкин. Бундай тарзда тайинланган шахс бир аъзодан иборат Комиссия бўлади.

6. Комиссия ўз таомилини аниқлайди.

7. Тегишли Томонлар Комиссияни у талаб қилиши мумкин бўлган ахборот билан таъминлаши ва, сўровга кўра, Комиссияга уларни тегишли ҳудудига киришига ва уни тафтиш мақсадига оид ҳар қандай хизмат воситалари, завод, жиҳоз, қурилишни ёки табиий хусусиятларни текширишига руҳсат беришга мажбур.

8. Комиссия ўз ҳисоботини овозлар кўпчилиги билан қабул қилади, агар Комиссия бир аъзодан иборат бўлмаса, ва шу ҳисоботни тегишли Томонларга тақдим этади, хулосалари ва уларни сабаблари, ва низони адолатли ҳал этиш учун ўринли деб ҳисоблаган тавсиялари баёни билан; уларни тегишли Томонлар эзгу ирода руҳида кўриб чиқади.

9. Комиссия харажатларини тегишли Томонлар баб-баравар қоплайди.

10. Ушбу Конвенцияни ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки унга қўшилиш вақтида, ёки кейин ҳар қандай вақтда минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти бўлмаган Томон депозитарийга юборилган ёзма ҳужжатида, у, 2-банд қоидаларига мувофиқ ҳал қилинмаган ҳар қандай низо бўйича, шундай мажбуриятни қабул қилган ҳар қандай Томонга қарата, IPSO FACTO ва махсус битимсиз қуйидагилар қўлланиши мажбурий чора деб тан олишини эълон қилиши мумкин:

(a) Низони Халқаро Судга топшириш; ва/ёки

(b) Ушбу Конвенцияга иловада баён этилган таомилга мувофиқ тузилган ва фаолият юритадиган арбитраж суди томонидан арбитраж, агар низо Томонлари бошқача келишилган бўлмаса.

Иқтисодий интеграция минтақавий ташкилоти бўлган Томон, (b) кичик бандига мувофиқ, арбитражга нисбатан худди шундай баёнот қилиши мумкин.

## **VII ҚИСМ**

### **ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **34-модда**

#### **ИМЗОЛАШ**

Ушбу Конвенция 1997 йил 21 майдан 2000 йил 20 майига қадар Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Нью-Йоркдаги Марказий муассасаларида барча давлатлар ва иқтисодий интеграция минтақавий ташкилотлари имзолаши учун очик.

#### **35-модда**

### **РАТИФИКАЦИЯЛАШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ТАСДИҚЛАШ ЁКИ ҚЎШИЛИШ**

1. Давлатлар ва иқтисодий интеграция минтақавий ташкилотлари ушбу Конвенцияни ратификациялаши, қабул қилиши, тасдиқлаши ёки унга қўшилиши керак. Ратификация, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш ҳужжатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлашга топширилади.
2. Ушбу Конвенция Томони бўладиган ҳар қандай иқтисодий интеграция минтақавий ташкилоти, унга аъзо давлатларни ҳеч бири шу Конвенция Томони бўлмаса, Конвенция бўйича барча мажбуриятлар билан боғлиқ. Бундай ташкилотлар ҳолларида, уларни бир ёки ундан кўп давлатлари шу Конвенция Томони бўлса, ташкилот ва унга аъзо давлатлар Конвенция бўйича мажбуриятларини бажариш учун уларни тегишли жавобгарлигига оид масалани ҳал қилади. Бундай ҳолларда ташкилот ва аъзо давлатлар Конвенция бўйича ҳуқуқларини бир вақтда амалга оширишга ҳуқуқи йўқ.
3. Иқтисодий интеграция минтақавий ташкилотлари, уларнинг ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш ҳужжатларида, Конвенция билан тартибга солинадиган масалаларга оид ўзларини ваколати доирасини эълон қилади. Бу ташкилотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибинини ҳам ўзларини ваколати доирасида ҳар қандай жиддий ўзгариш тўғрисида хабардор қилади.

### **36-модда**

#### **КУЧГА КИРИШ**

1. Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш ҳужжатини ўттиз бешинчиси сақлашга топширилгандан кейин тўқсонинчи куни кучга киради.
2. Ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш ҳужжатини ўттиз бешинчиси сақлашга топширилгандан кейин Конвенцияни ратификациялаган, қабул қилган, тасдиқлаган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат ёки иқтисодий интеграция минтақавий ташкилоти учун Конвенция, шундай давлат ёки шундай иқтисодий интеграция минтақавий ташкилоти ратификациялаш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш ҳужжатини сақлашга топширилгандан кейин тўқсонинчи куни кучга киради.
3. 1- ва 2-бандлар мақсадлари учун, иқтисодий интеграция минтақавий ташкилоти топширган ҳар қандай ҳужжат давлатлар сақлашга топширган ҳужжатларга қўшимча ҳисобланмайди.

### **37-модда**

#### **АУТЕНТИК МАТНЛАР**

Араб, инглиз, испан, рус, француз ва хитой тилларидаги матнлари тенг аутентик бўлган ушбу Конвенциянинг асл нусхаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлашга топширилади.

БУНИ ГУВОХЛАШ УЧУН, қуйида имзо чеккан мухтор вакиллар, шунга керакли тарзда ваколатланганлар, бу Конвенцияни имзолади.

Нью-Йоркда бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил йигирма биринчи майда АМАЛГА ОШИРИЛДИ

## **ИЛОВА АРБИТРАЖ**

### **1-модда**

Агар низо Томонлари бошқача келишилган бўлмаса, Конвенцияни 33-моддасига мувофиқ арбитраж ўтказилади, ушбу иловани 2-14 моддаларига биноан.

### **2-модда**

Даъвогар Томон жавобгар Томонни низони Конвенцияни 33-моддасига мувофиқ арбитражга топшираётганидан хабардор қилади. Хабар арбитраж мавзусини акс этади ва, хусусан, Конвенцияни қайси моддаларини талқини ёки қўлланиши низо мавзуси эканини ўз ичига олади. Агар низо мавзуси бўйича Томонлар келиша олмаса, низо мавзусини арбитраж суди аниқлайди.

### **3-модда**

1. Икки Томон ўртасидаги низода арбитраж суди уч аъзодан иборат бўлади. Низони ҳар бир Томони биттадан арбитр тайинлайди, ва шу тарзда тайинланган икки арбитр, умумий розилиги билан, учинчи арбитрни тайинлайди, у суд раиси бўлади. Охиригиси низо Томонларидан бирини ёки тегишли сув оқими биронта соҳилбўйи давлатини фуқаролигига эга бўлиши, ёки одатий турар жойи шу Томонлардан бирини ҳудудида бўлиши ёки бирор бошқа сифатда бу ишга муносабати бўлиши мумкин эмас.
2. Икки ёки ундан кўп Томон ўртасидаги низода, умумий манфаати бор Томонлар битим билан битта арбитрни бирга тайинлайди.
3. Ҳар қандай вакансия дастлабки тайинлаш учун белгиланган тартибда тўлдирилади.

#### 4-модда

1. Агар иккинчи арбитр тайинлангандан кейин икки ой ичида арбитраж суди раиси тайинланмаса, раисни, Томонни сўровига кўра, Халқаро Суд Раиси кейинги икки ой даври ичида тайинлайди.
2. Агар низо Томонларидан бири сўров олгандан кейин икки ой ичида арбитражни тайинламаса, бошқа Томон Халқаро Суд Раисини хабардор қилиши мумкин, у тайинлашни кейинги икки ой даври ичида амалга оширади.

#### 5-модда

Арбитраж суди ўз қарорларини шу Конвенция ва халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ чиқаради.

#### 6-модда

Агар низо Томонлари бошқача келишилган бўлмаса, арбитраж суди ўзини таомил қоидаларини аниқлайди.

#### 7-модда

Арбитраж суди, Томонлардан бирини сўровига кўра, зарур вақтинчалик ҳимоя чораларини тавсия қилиши мумкин.

#### 8-модда

1. Низо Томонлари арбитраж судига ёрдамлашади ва, хусусан, уларнинг ихтиёрларидаги барча мавжуд воситалардан фойдаланган ҳолда:

(a) Уни ҳамма тегишли ҳужжатлар, ахборот ва хизматлар билан таъминлайди; ва

(b) Қачон зарур бўлса, унга гувоҳлар ёки экспертларни чақириш ва уларнинг кўрсатмаларини олишга рухсат беради.

2. Томонлар ва арбитрлар арбитраж суди ишни кўриб чиқиш давомида улар махфий равишда олинаётган ҳар қандай ахборотни махфийлигини ҳимоя қилишга мажбур.

### **9-модда**

Агар, ишни муайян жиҳатлари туфайли, арбитраж суди бошқача аниқламаса, низо Томонлари суд чиқимларини баб-баравар қоплайди. Суд унинг барча чиқимларини ҳисоботини юритади ва Томонларга бу чиқимлар тўғрисида якуний ҳисоботни тақдим этади.

### **10-модда**

Низо мавзусида ҳуқуқий табиатли манфаати бўлган ҳар қандай Томон, унга иш бўйича қарор таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суд розилиги билан ишни кўриб чиқишда иштирок этиши мумкин.

### **11-модда**

Суд низо мавзусидан бевосита келиб чиқадиган қарши даъволарни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар чиқариши мумкин.

### **12-модда**

Таомил ва моҳият бўйича арбитраж суди қарорлари унинг аъзоларининг овозлари кўпчилиги билан қабул қилинади.

### **13-модда**

Агар низо Томонлардан бири арбитраж судига келмаса ёки ишини ҳимоя қила олмаса, бошқа Томон суддан ишни кўриб чиқишни давом этишни ва қарор чиқаришни сўраши мумкин. Бир Томон йўқлиги ёки у ишини ҳимоя қила олмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсиқ бўла олмайди. Ҳал қилув қарорини чиқаришдан олдин, арбитраж суди, фактлар ва ҳуқуқ нуқтаи назаридан даъво яхши асосланганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

**14-модда**

1. Суд, у тўлиқ ташкил топган санасидан кейин, беш ой ичида ҳал қилув қарорни чиқаради, агар у бу муддатни яна беш ойдан ошмас даврга чўзиш зарур деб ҳисобламаса.
2. Арбитраж судининг ҳал қилув қарори низо мавзуси билан чегараланади ва қарор қандай сабабларга асосланганини баён қилади. У ким қатнашган аъзоларнинг номларини ва ҳал қилув қарорни санасини ўз ичига олади. Суднинг ҳар бир аъзоси ҳал қилув қарорга бошқача ёки алоҳида фикрни илова қилиши мумкин.
3. Суд қарори низо Томонлари учун мажбурий бўлади. Унга қарата шикоят қилинмайди, агар низо Томонлари шикоят қилиш таомилига олдиндан келишилган бўлмаса.
4. Томонлар ўртасида ҳал қилув қарорни талқини ёки бажариш тартибига оид юзага келадиган ҳар қандай келишмовчиликларни ечиш учун низои ҳар бир Томони қарорни чиқарган арбитраж судига бериши мумкин.

Перевод: Рысбеков Ю.Х., Рысбеков А.Ю.

Верстка: Беглов И.Ф.

Подготовлено к печати  
в Научно-информационном центре МКВК

Республика Узбекистан, 100 187,  
г. Ташкент, м-в Карасу-4, д. 11А

**[sic.icwc-aral.uz](http://sic.icwc-aral.uz)**